

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК: 336.5**

**УББИЕВ АЛИШЕР ТАИЫРОВИЧ**

**«ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ»**

Мутахассислик: 5A230701-«Банк иши (фаолият турлари бўйича)»

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар:  
и.ф.н., доцент Азизов У.**

**ТОШКЕНТ-2014**

Диссертация Тошкент молия институти «Банк иши» кафедрасида  
бажарилган.

**Илмий раҳбар**

**и.ф.н., доц. Азизов У.**

**Кафедра мудири**

**и.ф.н., доц. Саидов Д.**

**Магистратура бўлими бошлиғи**

**и.ф.н., доц. Ортиқов У.**

**Тошкент Молия институти Магистратура бўлими магистранти Уббиев  
Алишер Таиыровичнинг «Тижорат банкларида замонавий ахборот  
технологияларидан фойдаланиш йўллари» мавзусидаги магистрлик  
диссертациясига**

**АННОТАЦИЯ**

**Мавзунинг долзарблиги.** Бозор иқтисодиёти шароитида республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсади барқарор ва мустаҳкам иқтисодиётни барпо этиш билан бирга, халқ хўжалигининг барча соҳаларини ривожлантиришдан иборатдир. Бунда, албатта, тижорат банклари муҳим аҳамият касб этади. Шундай шароитда тижорат банклари амалиётида замонавий ахборот технологияларидан янада самарали фойдаланиш, уларни такомиллаштириш орқали банк даромадини кўпайтириш ва уни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтириш даркор.

Тадқиқотнинг мақсади. Ушбу магистрлик диссертация ишининг мақсади **жаҳон амалиётида қўлланилаётган замонавий банк технологияларининг хусусиятлари ва ривожланиш истикболларини аниқлаш, Ўзбекистон Республикаси шароитида ушбу банк технологияларини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳисобланади.**

**Қилинган ечим ва таклифлар.** Диссертациянинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- тижорат банкларида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишнинг методологик асослари тадқиқ қилинди;
- тижорат банкларида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш сифатини таҳлил қилиш натижасида уларни такомиллаштириш бўйича услубий йўналишлар таклиф этилди;
- инновацион технологияларни қўллаган ҳолда миқдорларга янги хизмат турлари ишлаб чиқилди ва хизмат турини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди;
- ривожланган давлатлардаги замонавий ахборот технологияларининг Республикамиз банклари амалиётида қўллаш мақсадида илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилди

**Илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертациядаги илмий хулосалар ва тавсиялар тижорат банкларида замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш асосида банк даромадини кўпайтиришга имконият яратади.

Тадқиқот натижаларидан тижорат банкларининг даромадларини оширишда ҳамда олий ўқув юртларида амалий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

**Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси:** Диссертация натижалари Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган тижорат банклари амалиётида кенг қўламда фойдаланиш мумкин.

## **АННОТАЦИЯ**

**Магистерской диссертации на тему «Способы использования современных информационных технологий в коммерческих банках»  
магистранта Ташкентского Финансового института  
Уббиева Алишера Таиыровича**

**Актуальность темы.** В настоящей рыночной экономике основная цель экономических реформ, воплощающие в республике, является построить устойчивую и стабильную экономику, также развивать все отрасли народного хозяйства. В этих условиях, коммерческие банки играют огромную роль. В современных условиях необходимо использовать современных информационных технологий в коммерческих банках более эффективно и увеличивать доходы с целью развитие промышленности.

**Цель исследования.** Целью, исследования является проанализировать современных информационных технологий в мировой практике и разработать заключения и рекомендации по совершенствованию, также для развития информационных технологий в Республике Узбекистана.

**Сделанные решения и предложения.** Предложенные научные новизна диссертации:

- исследовано методологические основы использования современных информационных технологий в коммерческих банках;
- предложено направления по усовершенствованию современных информационных технологий через определение качества использования им;
- разработано новые типы сервиса для клиентов с использованием современных информационных технологий и рекомендации по усовершенствованию сервиса;
- разработано научно доказанные рекомендации с целью использования современных информационных технологий на практике коммерческих банков республики;

**Научное и практическое значения.** Предложенные научные заключения и рекомендаций диссертации даст возможность увеличить прибыль коммерческих банков с эффективным использованием современных информационных технологий.

Заключения научного исследования можно использоваться для повышения прибыли коммерческих банков, а также как практическая инструкция в ВУЗах.

**Сфера пользования.** Результаты диссертации можно использовать шире в практике коммерческих банков действующие в Республики Узбекистана.

## SUMMARY

**The master dissertation on a subject «Methods of use modern information technologies in commercial banks» the undergraduate of the Tashkent Financial institution  
Ubbiyev Alisher Tairovich**

**Subject urgency.** In conditions of market economy, the primary target of the economic reforms, which are performing in our republic, is creating steady and strong economics, and improving all branches of the industry. In this circumstance commercial banks play an enormous role. In this case it is necessary to use modern information technologies more efficiently and develop them in the practice of commercial banks in order to raise profit of banks and investing them in developing the industry.

**Research objective.** The research objective is investigating the modern information technologies using in the world economy and submitting summary and recommendations about improvement and development of information technologies in the Republic of Uzbekistan.

**The made decisions and proposals.** Offered scientific novelty of the dissertation:

- investigated methodological bases of using modern information technologies in commercial banks;
- recommended methods of improvement of using modern information technologies by analyzing their quality;
- produced new types of service to clients by using innovation technologies and recommendations about development of the service;
- produced scientific proven recommendations in order to implement the modern information technologies using in developed countries in the practice of banks in our republic;

**Scientific and practical values.** The offered scientific conclusions and recommendations of the dissertation give the chance to increase banks' revenues by using modern information technologies more efficiently in commercial banks.

The results of the investigation can be used to raise banks' revenues and as a practical instruction in universities.

**Using sphere.** The results of the dissertation can be used more widely in the practice of commercial banks, which are functioning in Uzbekistan.

**Тошкент Молия институти Магистратура бўлими 5A230701-«Банк иши  
(фаолият турлари бўйича)» мутахассислиги БИ-1 гуруҳи магистранти  
Уббиев Алишер Таиыровичнинг «Тижорат банкларида замонавий  
ахборот технологияларидан фойдаланиш йўллари» мавзусидаги  
магистрлик диссертациясига илмий раҳбар**

## **ХУЛОСАСИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори соҳага инновацион янгиликларни фаол жорий этишда муҳим дастуриламал бўлиб ҳисобланади.

Бозор муносабатлари кенгайгани сари тижорат банклари ҳам чакана операцияларни ривожлантириш, миқозларга тақдим этадиган хизмат турларини кўпайтириш орқали ўз фаолиятини кенгайтirmoқда. Замонавий ахборот технологияларни қўллаш орқали тақлиф этилаётган хизмат турлари банк ҳаражатларини камайтириш билан бирга, миқозлар вақтини тежаш имконини ҳам бермоқда.

Тижорат банкларида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда кўрсатилаётган барча хизматларнинг тезкорлиги, сифати ва ишончлилиги бугунги кунимиз замон талабидир. Эндиликда анъанавий банк хизматлари ўрнини тўла эгаллаётган замонавий масофавий банк хизматлари турли кўринишлари айнан шу тезлик, сифат ва ишончни таъминлаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Юқорида таъкидланган фикрлардан келиб чиққан ҳолда Тошкент Молия институти магистранти Уббиев Алишер танлаган мавзу ҳозирги кунда долзарб эканлигини таъкидлаб ўтишимиз мумкин.

Магистрлик диссертацияси кириш қисми, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

Магистрлик диссертациясининг замонавий банк технологияларининг иқтисодий ва ҳуқуқий асосларига бағишланган дастлабки бобида замонавий банк технологияларининг иқтисодий моҳияти, келиб чиқиш тарихи, янги банк хизматларининг турлари, замонавий банк технологияларини фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари ва унинг ривожланиш босқичлари баён қилинган.

Замонавий банк технологияларидан фойдаланишнинг амалдаги ҳолати ва уларнинг ривожланиш истиқболларига бағишланган илмий тадқиқот ишининг кейинги бобида Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида замонавий банк технологияларидан фойдаланишнинг амалдаги ҳолати охирги маълумотлар билан атрафлича ёритилган ва чуқур таҳлил қилинган. Бундан ташқари мазкур бобда банк технологияларидан фойдаланишдаги долзарб муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари ва замонавий банк технологияларидан фойдаланишнинг хориж тажрибасига кенг тўхтаб ўтилган.

Магистрлик диссертациясининг «Мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш шароитида замонавий банк технологияларини ривожлантириш йўллари» номли сўнги бобида ривожланган давлатлар замонавий банк технологияларининг республикамиз банкларида қўллашнинг устивор масалалари кўрсатиб ўтилиб, республикамизда инновацион банк технологияларидан фойдалинишни кучайтириш йўллари ёритилган.

Магистрлик диссертациясининг хулоса қисмида Тижорат банкларида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш йўлларини ривожлантириш бўйича таклифлар берилган.

Магистрант магистрлик диссертациясини ёзиш давомида кенг кўламдаги маълумотлардан, жумладан хорижий илмий адабиётлар, Интернет маълумотларидан фойдаланди. Магистрлик диссертациясининг илмий-назарий аҳамияти юксак бўлиб, унда бир қанча янгиликлар мавжуд:

- Охирги йилларда пайдо бўлган замонавий банк хизматларининг турлари атрафлича ўрганилган;

- Замонавий банк технологияларини фойдаланишни янада кучайтириш масалаларига бағишланган янги тахрирдаги қонун ҳужжатлар кенг ёритилган;

- Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида замонавий банк технологияларидан фойдаланишнинг амалдаги ҳолати охириги йилдаги маълумотлар билан атрофлича ёритилган ва чуқур таҳлил қилинган.

- Замонавий банк технологияларидан фойдаланишдаги долзарб муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари кўрсатиб ўтилган;

- Тижорат банкларида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш йўллари ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган;

- Нақд пулсиз ҳисоб китобга оид янги замонавий ахборот технологияларини қўллаган ҳолда лойиҳа таклиф этилган.

Тошкент Молия институти Магистратура бўлими 5A230701-«Банк иши (фаолият турлари бўйича)» мутахассислиги БИ-1 гуруҳи магистранти Уббиев Алишер Таиыровичнинг «Тижорат банкларида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш йўллари» мавзусидаги магистрлик диссертациясига мустақил бажарилган, тугалланган ва белгиланган талаблар асосида ёзилган бўлиб, Давлат Аттестация Комиссияси олдида ҳимоя этишга тавсия этилади.

**Илмий раҳбар:**

**и.ф.н., доцент Азизов У.**

|                                                                                                                                 |           |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------|
| <b>КИРИШ.....</b>                                                                                                               | <b>10</b> |
| <b>1-БОБ. ЗАМОНАВИЙ БАНК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....</b>                                              | <b>16</b> |
| 1.1. Замонавий банк технологияларининг иқтисодий моҳияти ва назарий асослари .....                                              | 16        |
| 1.2. Республикамизда банк технологияларининг ҳуқуқий асослари .....                                                             | 33        |
| <b>2-БОБ. ЗАМОНАВИЙ БАНК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ВА УЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ .....</b>         | <b>40</b> |
| 2.1. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида замонавий банк технологияларидан фойдаланишнинг амалдаги ҳолати ва таҳлили..... | 40        |
| 2.2. Банк технологияларидан фойдаланишдаги долзарб муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари .....                              | 53        |
| 2.3. Замонавий банк технологияларидан фойдаланишнинг хориж тажрибаси.....                                                       | 65        |
| <b>3-БОБ. МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ЗАМОНАВИЙ БАНК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ .....</b>      | <b>74</b> |
| 3.1. Ривожланган давлатлар замонавий банк технологияларининг республикамиз банкларида қўллашнинг устивор масалалари.....        | 74        |
| 3.2. Инновацион банк технологияларидан фойдалинишни кучайтириш йўллари .....                                                    | 82        |
| <b>ХУЛОСА.....</b>                                                                                                              | <b>88</b> |
| <b>АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>                                                                                                 | <b>92</b> |

## **КИРИШ**

**Тадқиқот мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.** Маълумки, Юртбошимизнинг Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида сиёсий модернизация жараёнларида тобора муҳим аҳамият касб этиб бораётган замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиши тизимида кенг фойдаланиш лозимлиги алоҳида таъкидланган эди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори соҳага инновацион янгиликларни фаол жорий этишда муҳим дастуриламал бўлаётир.

Бозор муносабатлари кенгайгани сари тижорат банклари ҳам чакана операцияларни ривожлантириш, мижозларга тақдим этадиган хизмат турларини кўпайтириш орқали ўз фаолиятини юксалтирмоқда. Замонавий технологияларни қўллаш орқали таклиф этилаётган хизмат турлари банк ҳаражатларини камайитириш билан бирга, мижозлар вақтини тежаш имконини ҳам бераётир. Тижорат банклари масофавий банк хизматлари кўрсатиш кўламини янада кенгайтириш мақсадида “Интернет банкинг”, “мобил-banking”, “смс-banking” каби хизматларни йўлга қўймоқда.

Мамлакатимизда электрон тижорат соҳаси ривожини таъминлашга қаратилган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги, «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги, «Электрон тўловлар тўғрисида»ги, «Электрон тижорат тўғрисида»ги ва бошқа қатор қонунларнинг қабул қилиниши соҳа тараққиётида муҳим аҳамият касб этиб, электрон тижорат ва электрон

тўловлар тизимини ривожлантириш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ажралмас қисмига айланди.

Яратилган мукаммал қонунчилик базаси ва замонавий ахборот коммуникация тизими негизида кўрилган инфратузилма туфайли мамлакатимизда электрон тижорат ва электрон тўловлар соҳаси ривожланиб, ушбу соҳада хўжалик юритувчи субъектларнинг фаол иштироки кузатилмоқда. Соҳага замонавий технологиялар жорий этилиб, ундан фаол фойдаланилмоқда, банк муассасалари томонидан интернет тармоғи ва мобил алоқа орқали масофадан хизматлар кўрсатилмоқда.

Давлатимиз банк тизимида инновацион ахборот технологияларини кенг миқёсда тадбиқ этиш мамлакатимизда қисқа муддатда миллий тўлов тизимини шакллантиришга имконият яратди. Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ҳисоб-китобларни аниқ вақт режимида амалга оширувчи бу тизим мамлакатимиз молия бозори барқарорлигини таъминламоқда. Бундан ташқари у давлатимиз пул-кредит сиёсатини самарали юритиш, миллий ва халқаро тўловларни ўз вақтида амалга ошириш, пул оқимларини бошқаришга сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Тижорат банклари кучли, ишончли ва юқори самарадорликка эга бўлган платформалар асосида ахборот технологиялари ютуқларини банк фаолиятига дадиллик билан тадбиқ қилиб, улар асосида мукаммал дастурлар яратиб, ахборот тизимлари инфраструктурасини ривожлантирмоқда. Бу ўз навбатида, мамлакатимиз банклари ўртасида соғлом рақобат муҳитини кучайтириш, анъанавий банк хизматлари сифатини ошириш, янги хизматларни жорий этишга йўналтирилган ишларни муттасил давом эттиришга даъват этмоқда. Миқдорлар сафини кенгайтириш учун тақдим этаётган хизматлари рўйхати мунтазам равишда кенгайтирилиб, тижорат банклари турли молиявий хизматларни кўрсатувчи ташкилот ҳисобланмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги даврда амалга оширилаётган туб иқтисодий ислохотларнинг бош мақсади мамлакатимиз иқтисодиётида бозор муносабатларини тўлиқ қарор топтиришдан иборат.

Ўзбекистон банк сферасида янги технология ва янги махсулотларни киритиш – бу хизмат турини такомиллашигина эмас, ахборот баъзасини унумли бошқариш, аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учундир.

Юқорида таъкидлаб ўтилганларнинг барчаси тадқиқот қилинаётган мавзунинг долзарблилигини ҳамда мақсадини белгилайди.

**Тадқиқот мавзусининг ўрганилганлик даражаси.** Шу кунга қадар масофавий банк хизматларидан хусусан Интернет-банкнинг хизмати юзасидан мамлакатимизда ҳалигача номзодлик диссертацияси ҳам ёқланмаган. Бунга сабаб ушбу хизмат турининг юртимиз банк тизимиға фақатгина 2007 йилдан бошлаб кириб келганлиги бўлса ажаб эмас. Бироқ хориж мамлакатларида бу борада бир қанча олимлар иш олиб боришган, хусусан Болецкая<sup>1</sup>, В.В.Дик<sup>2</sup>, Бурдинский А.<sup>3</sup>, Лебедев А.<sup>4</sup>, Юдин В.В.<sup>5</sup>, Коробов Ю.И.<sup>6</sup> ва қисман О.И.Лаврушинлар<sup>7</sup> изланишлар олиб боришган ҳамда шу мавзуда турли хил мақола ва ўқув қўлланмалар чоп этишган.

**Тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши.** Магистрлик диссертация ишининг тадқиқот объекти сифатида мижозларга замонавий банк технологияларидан фойдаланган ҳолда янги банк хизматларини таклиф этаётган халқаро ва маҳаллий банклар қатнашадилар.

Магистрлик диссертация ишининг тадқиқот предмети бўлиб банкларнинг турли хил замонавий банк технологияларидан фойдаланган ҳолда фаолиятини қулайлаштириш ва янги банк хизматларини жорий этиш бўлиб ҳисобланади.

**Тадқиқот мақсади ва вазифалари.** Жаҳон амалиётида қўлланилаётган замонавий банк технологияларининг хусусиятлари ва ривожланиш истикболларини аниқлаш, Ўзбекистон Республикаси шароитларида ушбу

<sup>1</sup> Болецкая К. Интернет-банкнинг как часть розничного бизнеса // Банковское обозрение. – 2004. - № 10(64). – С. 22.

<sup>2</sup> Банковские информационные системы: Учебник // под ред. проф. В.В.Дика. М.: Маркет ДС, 2006. -816 с.

<sup>3</sup> Бурдинский А. Какой Интернет-банк нам нужен? // Мир Интернет. – 2000. - №11.- <http://www.iworld.ru>

<sup>4</sup> Лебедев А. Электронные деньги: миф и реальность // Интернет публикация. – <http://www.emoney.ru>

<sup>5</sup> Юдин В.В. Перспективы дистанционного банковского обслуживания физических лиц. // Банковские услуги. 2006. №2 - с. 19.

<sup>6</sup> Коробов Ю.И., Канофьев А.В. Развитие информационных технологий и их влияние на банковскую деятельность. // Банковские услуги. – 2003. – №5. - с. 12-15.

<sup>7</sup> Банковское дело: учебник / О.И.Лаврушин, И.Д. Мамонова, Н.И. Валенцова (и др.). – 6-е изд., стер. –М.: КНОРУС, 2008. -768 с. 2 экз

банк технологияларини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мавзунинг асосий мақсадини белгилайди.

Илмий изланишнинг умумий мақсадига мувофиқ диссертацияда қуйидаги **вазифаларни** амалга ошириш белгиланган:

1. Замонавий банк технологияларининг замонавий тушунча ва моҳиятини тадқиқ қилиш;

2. Бозор муносабатлари шароитида банклар, уларнинг хизматлари ва тўлов тизимининг янги инструментларини ўзига хослигини ўрганиш.

3. Хорижий давлатлар амалиётидан келиб чиқиб замонавий банк технологияларини маҳаллий банкларимизга тадбиқ этиш.

**Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари.** Интернет-банкнинг хизмат турининг банк фаолиятидаги амалий самарадорлиги таҳлили саналса, **фаразлар** ўрнида Интернет-банкнинг тизими келгуси истиқболини белгиловчи янги таклифларни қўллаш имкониятлари кўрилади.

**Адабиётлар тавсифи.** Ушбу тадқиқот ишида асосан банклар фаолиятида қўлланилаётган Интернет-банкнинг тизими амалий маълумотлар, маҳаллий ва хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан ёзилган илмий адабиётлардан, қонунлардан, фармонлардан, қарорлардан, меъёрий қўлланмалардан, газета ва журналлардаги мақолалардан фойдаланилган.

**Тадқиқотда қўлланилган услублар.** Диссертация иши ёзилиши жараёнида илмий тадқиқот услубларидан ҳар иккала назарий ҳамда эмпирик усуллар элементларидан фойдаланилган. Хусусан назарий услублардан: таҳлил, аналогия, дедукция, таснифлаш, умумлаштириш, синтез ва қиёслаш услубларидан фойдаланилган бўлса, эмпирик услублардан: кузатув, текшириш, тажриба иши ва синов услубларидан фойдаланилган.

**Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.** Ушбу тадқиқот ишининг назарий аҳамияти эндиликда Интернет-банкнинг хизмат турининг назарий ва меъёрий ҳукуқий ўрнини алоҳида қайд этиш ва аниқ тушунчалар асосида Интернет-банкнинг тизимига тегишли муайян маълумотлар асосини яратиш. Диссертацияда илгари сурилган илмий

қоидалар, хулосалар ва илмий таклифлардан замонавий банк технологиялари, уларни банк амалиётида тутган ўрни билан илмий тадқиқот ишларини янада ривожлантиришда «Банк иши» йўналиши бўйича ихтисослик фанларини ўқитишда, аспирантларга, талабаларга махсус курсларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Диссертациядаги умумметодологик принциплар бозор муносабатларига ўтиш даврида республика банк тизимини такомиллаштириш юзасидан тадбиркорларни ишлаб чиқишда фойдалидир.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Диссертацион тадқиқотнинг илмий янгиликлари қуйдагиларда намоён бўлади:

1. Замонавий банк технологияларни иқтисодий моҳиятининг банк ҳисоб-китобларда намоён бўлиши ўрганилди.

2. Инновацион технологияларни қўллаган ҳолда мижозларга янги хизмат турлари ишлаб чиқилди, иқтисодий моҳияти таҳлил қилинди ва хизмат турини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди.

3. Ривожланган давлатлардаги замонавий банк технологияларнинг Республикамиз банкларида қўллаш бўйича ишлар ўрганилиб, кучайтириш мақсадида таклифлар ишлаб чиқилди.

**Диссертация таркибининг қисқача тавсифи.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва таклифлар, ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатдан иборат.

Кириш қисмида мавзунинг асосланиши ва унинг долзарблиги, тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши, тадқиқот мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари, мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили, тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқотнинг илмий янгилиги ўз аксини топган.

Илмий ишнинг биринчи бобида, замонавий банк технологияларининг иқтисодий моҳияти ва давлатимизда унга тегишли норматив ҳукуқий асослари ёритилган.

Илмий ишнинг иккинчи бобида, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида замонавий банк технологияларидан фойдаланишнинг амалдаги ҳолати таҳлили, улардан фойдаланишдаги долзарб муаммоларни бартараф этиш йўллари, ҳамда хориж тажрибаси таҳлил қилинган.

Учинчи бобда эса, мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш шароитида ривожланган давлатлар замонавий банк технологияларининг республикаимиз банкларида қўллашнинг устивор масалалари, ҳамда инновацион банк технологияларидан фойдалинишни кучайтириш йўллари ёритиб берилган.

Илмий иш хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати билан якунланган.

## **1-БОБ. ЗАМОНАВИЙ БАНК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

### **1.1. Замонавий банк технологияларининг иқтисодий моҳияти ва назарий асослари**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сон «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ мамлакатимизнинг барча тижорат банклари ўзларининг кўрсатадиган банк хизматлари кўламини ва сифатини ахборот коммуникация технологияларини кенг қўллаган ҳолда кенгайтиришлари ҳамда 2015 йилгача юридик ва жисмоний шахсларга Интернет банкинг хизмати тақдим этилишини таъминлашлари керак<sup>1</sup>.

Маълумки, банклар замонавий молия тизимининг ажралмас қисми бўлиб, бозор ва ишлаб чиқарувчилар талаблари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда фаолият олиб боради. Улар жаҳон иқтисодий ҳаётининг марказида жойлашган бўлиб, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларнинг эҳтиёжларига хизмат кўрсатиш орқали саноат ва савдони, қишлоқ хўжалиги ва аҳолини ўзаро боғлайдилар.

Кейинги йилларда республика тижорат банклари чакана операцияларни ривожлантириш орқали ўз мижозларига тақдим этиладиган хизматлар турларини кўпайтиришга ва ўз фаолиятини диверсификация қилишга ҳаракат қилмоқда. Ушбу мақсадда мижозлар томонидан банкоматлар, мобил телефонлар ва Интернет орқали ўз ҳисоб рақамларини масофавий бошқариш каби электрон хизмат кўрсатиш технологиялари фаол тарзда амалиётга жорий этилмоқда. Масофавий банк хизматларини ҳаётга тадбиқ қилиш орқали кредит ташкилоти ўзининг анъанавий операцияларига қўшимча

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сон «2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори 1 бўлим 3 боб 17 вазифа

равишда, мижозлар эҳтиёжини тўлароқ ва сифатлироқ қондирадиган янги банк маҳсулотларини ҳам қўлламоқда.

Қайд этиш жоизки, масофавий банк хизмати деганда, банк биноси ташқарисидаги мижознинг бевосита талабини қондириш мақсадида турли хилдаги телекоммуникация тармоқлари орқали банк маҳсулотларини ва хизматларини тақдим этиш тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси ривожланаётган давлатлар қаторида ўз йўли ва миллий дастурига эга ҳисобланади. Бир қатор ривожланган давлатларнинг тажрибаларини атрофлича ўрганиб чиқилган бўлиб, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишни мақсад қилиб олган. Президентимизнинг «Банклар – иқтисодиётимизнинг локомативи бўлиши керак» деган шиорлари, ҳамда «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» хизмат қилиш керак каби бир қатор шиорлари банкларни янада зийрак ва кенг қамровли ишларни ташкил қилишга ундамоқда. Мамлакатимиз банк тизимини икки поғонада ташкил этилиши, Марказий банк ҳамда тижорат банклари зиммасига маъсулиятли вазифаларни юклади. Икки поғонали тизимни жорий этишда қуйидаги натижаларга эришиш мақсад этиб белгиланди. Булар жумласига нақд пул маблағларини банкдан ташқари айланишини қисқартириш, аҳолининг кенг қатламини банк фаолиятида қатнашишга жалб этиш, Республика банклари томонидан халқаро хизматларни кўрсатишни кенгайтириш, банк, пул, кредит тизимининг тамойил ва қоидаларини жаҳон андозаларига мос равишда ишлаб чиқиш<sup>1</sup> ва ҳоказолар.

Таъкидлаб ўтилган мақсадларни амалга оширишда замонавий банк технологияларнинг ўрни беқиёсдир. Пластик карточкаларни муомалага киритилиши иқтисодиётимизни жадал суратларда ривожланишига, жумладан пулнинг банкдан ташқари айланмасини қисқартиришга, пулнинг айланиш тезлигини мақбул доирада бўлишига, пул массасига хизмат кўрсатиш ҳаражатлари (қоғоз пуллар чиқариш, ташиш, санаш, қайта санаш ва ҳ.к.)ни

---

<sup>1</sup> “Ислом Каримов-ўзбек моделига муносиб банк тизими асосчиси.” Т. Ўзбекистон 2005й

камайшига, аҳолини банк билан ишлашини такомиллаштиришга ва бошқа бир қатор ижобий факторларни ривожланишига олиб келади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейин мамлакатимиз иқтисодиётининг барча соҳаларида жиддий таркибий ўзгаришлар рўй бермоқда. Бу ўзгаришлар банклар фаолиятига ҳам ўз таъсирини ўтказди, албатта. Ҳаттоки ривожланган мамлакатларда ҳам рақобатнинг янги шакли сифатида паст баҳо сиёсати қўлланилаётганлигини инобатга олсак, иқтисодиётимизнинг локомативи бўлган банкларимизнинг олдига ўз хизматларини мижозлар учун ҳар томонлама қулай, арзон нархда ва сифатли қилиб таклиф қилиш вазифаси қўйилмоқда. Эндиликда банкларимиздан нафақат анъанавий банк хизматларидан самарали фойдаланиш, балки янги фан ва техника ютуқларини жорий қилиш ҳам талаб этилмоқда.

Умуман олганда, моҳияти жиҳатидан банк ва мижоз мулоқотининг анъанавий ва масофавий банк хизмати схемалари орасидаги фарқ жуда катта эмас. Банк хизматлари ҳам, ҳисобрақамлар ҳам «ўз жойида» қолган бўлиб, фақатгина банк ходими ва мижозларни узаро боғлайдиган алоқа тури ўзгарди, холос. Яъни, фақат банк офисида бажарилиши мумкин булган операциялар, банк офисига хос бўлган функциялар эндиликда масофадан туриб ҳам амалга оширилиши мумкин. Мижоз уз «оёқларига дам бериши» мумкин, дақиқалик операцияни амалга ошираман деб, банк биносига бориш йулига кетадиган қимматли иш вақтини йуқотиши шарт бўлмай қолди. Мижоз-банк, интернет, телефон ёки мобил банкинг каби масофавий банк хизмати турлари, ўзаро фарқланишига қарамасдан, мижозларга хизмат қилишнинг анъанавий усулларида нисбатан қуйидаги умумий устунликларга эга:

- хизмат кўрсатиш сифатининг ошиши, масофавий банк хизмати орқали вақт чеклови олиб ташланади, яъни мижоз ўз ҳисобрақамини ҳафтасига етти кун, кунига йигирма тўрт соат давомида бошқариш имконига эга бўлади. Вақт чекловидан ташқари, мижознинг географик ҳолатига ҳам эътибор берилмайди. Мижоз дунёнинг исталган нуқтасидан ўз транзакцияларини

ўтказиши мумкин бўлади, бунинг учун персонал компьютер ва Интернет глобал тармоғи ёки мобил телефон ва алоқа тармоқи бўлса кифоя;

- янги банк маҳсулотларини яратиш, амалиётга татбиқ этиш ёки мавжуд молиявий хизматларни масофавий алоқа воситалари билан уйғунлаштириш ва ўзаро интеграциясини ошириш орқали банклараро рақобат шароитида банкнинг рақобатбардошлик кўрсаткичининг ошиши;
- филиалларни бошқариш билан боғлиқ харажатларни қисқартириш орқали банк операциялари таннархининг камайиши.

Нима учун мижозларга масофавий банк хизмати кўрсатиш замонавий банк тизими тараққиётининг энг истиқболли йўналишларидан бири ҳисобланади? Бунинг бир қатор омиллари борки, ушбу омилларни тўлароқ кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.




1.1.1-расм. Дунёда интернет фойдаланувчилар сони динамикаси.<sup>1</sup>

Ушбу омилларнинг бири – бу интернет глобал тармоғи фойдаланувчилари сонининг ошиб бориши ҳисобланади. Халқаро телекоммуникация иттифоқи маълумотларига кўра (1.1.1-расм), ҳозирги кунда бутун жаҳон аҳолисининг 40%и Интернет фойдаланувчилари бўлиб, улар сони жорий йилда сал кам 3 млрд. га етди. Тадқиқотлар шуни

<sup>1</sup> The World in 2014: ICT Facts and Figures. International Telecommunication Union, <http://www.itu.int>

кўрсатдики, охирги беш йил давомида интернет-фойдаланувчилар сони икки мартага ошди.

Шу билан бир қаторда мобил алоқа фойдаланувчиларнинг сони сал кам 7 млрд.га етганлиги диққатга сазовор (1.1.2-расм). Охирги беш йилликда икки мартага ошган мобил алоқа фойдаланувчилар сони ҳар бир 100 кишига 96 киши тўғри келади.<sup>1</sup>



**1.1.2-расм. Дунёда мобил алоқа фойдаланувчилар сони динамикаси<sup>2</sup>**

Айтиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасида Интернет тармоғидан фойдаланувчиларнинг умумий сони 10 млн. нафарга етди. Мобил интернет фойдаланувчилари сони эса 6 млн.га якин бўлиб, бу ўз навбатида мобил телефонларнинг интернетга чиқишда кўпроқ қўлланилишидан далolat беради. Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган нутқида айтишларича ҳозирда республикамызда мобил алоқа фойдаланувчилари сони 19 миллиондан ошган бўлиб, ҳар бир ойлага 3 та мобил телефондан тўғри келади<sup>3</sup> Интернет ва мобил алоқанинг барча фойдаланувчилари банклар учун истиқболли мижозлар ҳисобланади ва масофавий хизматларнинг қулай томонларини кўрсатиб бериш: йўли билан ушбу бўлажак мижозларни банкка жалб қилиш фақат ушбу банкнинг хатти-

<sup>1</sup>The World in 2014: ICT Facts and Figures. International Telecommunication Union, <http://www.itu.int>

<sup>2</sup>The World in 2014: ICT Facts and Figures. International Telecommunication Union, <http://www.itu.int>

<sup>3</sup> «Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» расмий сайти. <http://old.ccitt.uz/ru/indicators/>

ҳаракатларига боғлиқ холос. Чунки ўз маблағларини банкда сақлаган жисмоний шахс Интернет банкинг орқали нафақат ўз ҳисобрақами тўғрисидаги ахборотларни олиши, балки мобил алоқа, Интернет, телевидение, коммунал хизматлари ва шу каби кўплаб хизматлардан фойдаланганлик учун тўловларини амалга ошириши мумкин.

Мижозларга масофадан туриб хизмат курсатиш эвазига банк ҳаражатларининг қисқариши масофавий банк хизмати ривожининг иккинчи омили ҳисобланади. Чунки Интернет орқали масофавий хизматларни амалга ошириши учун банк глобал тармоқда ўз иштирокини таъминласа, яъни «виртуал офиси»ни ишга туширса, бўлди. Ушбу «виртуал офис» орқали мијоз банк-мијоз дастурини юклаб олиши ёки тўғридан-тўғри Интернет банкингга уланиб, зарурий операцияларни амалга ошириши мумкин. Бунда банк мијозларга хизмат қилувчи серверни ўрнатиши ва мијозларнинг топшириқларини автоматлаштирилган банк ахборот тизимига ўтказувчи шлюзларни яратиши зарур бўлади. Албатта, ушбу ҳаракатлар қўшимча ҳаражатлар билан боғлиқ бўлсада, Интернет тармоғи орқали ишлайдиган масофавий банк хизмати тизимини жорий қилишга кетадиган жами ҳаражатлар банкнинг янги филиалини очиш учун кетадиган ҳаражатларидан анча кам бўлади. Шу билан бирга, «виртуал офис»да хизмат кўрсатиладиган мијозлар сони филиал мијозлари сонидан бир неча марта ортиқ бўлади.

Масофавий банк хизмати тизимидан келадиган соф фойдани ҳисоблаш мушкул масала ҳисобланади, чунки бу тизим орқали даромад билвосита келади. Бевосита даромад эса (масалан тизимдан фойдаланганлик учун ҳақ) одатда жуда кам ёки умуман бўлмайди, албатта бу ҳолат муайян банкнинг мијоз сиёсатига боғлиқдир. Бундан ташқари, масалан, ахборот тақдим этиш шаклида қўлланиладиган Интернет банкинг тизими учун фойдага асосланган самарадорлик кўрсаткичини аниқлашнинг ўзи ноўрин, чунки бу турдаги Интернет банкинг мијозларга бепул равишда тақдим этилади. Масофавий банк хизмати тизимларининг самарадорлиги улар келтирадиган фойда эмас, балки тежалган ҳаражатлар эвазига шаклланади. Бошқача қилиб айтганда,

банк қурилишга ёки ижарага кетадиган ҳаражатларни қисқартириш, банк ходимлари штати ва уларнинг бажарадиган ишлар ҳажмини қайта кўриб чиқиш, банк филиалларида бажариладиган кам даромадли операциялар салмоғини камайтириш имконига эга булади.

Мижозларга Интернет орқали банк хизматини кўрсатиш тараққиётининг навбатдаги омили — бу электрон тижоратнинг ривожланиши ҳисобланади. Электрон тижоратнинг анъанавий тижоратдан фарқи шундаки, бу ҳолда фаолият фақат тармоқ ичида амалга оширилади.

Электрон тижорат тарихи 1914 йилдан, яъни General Petroleum Corporation of California корхонаси томонидан чиқарилган нефть маҳсулотлари учун тўлов кредит картасидан бошланган. 1982 йилнинг ноябрь ойида эса Nottingham Building Society қурилиш компанияси Шотландия банки ва British Telecom телефон компанияси ҳамкорлигида Homelink тизимини жорий этди ҳамда электрон тижорат сифатида телефон-banking дан олинди. Ўтган асрнинг 90-йилларда “.COM” доменининг яратилиши билан Интернет глобал тармоғида электрон тўлов карталарини авторизация қилиш орқали товар ва хизматларнинг сотилишидан иборат бўлган веб-тижорат юзага келди. Замонавий тадбиркорлик фаолияти айнан шу йуналишда ривожлана бошлади ва бугунги кунда электрон тижорат нафақат жаҳон иқтисодиётининг катта салмоғини эгаллайди, балки ўз имкониятларини кундан-кунга ошириб ҳам бормокда.

Ғарбий Европа банклари ўртасидаги рақобатнинг тобора кучайиши натижаси ўлароқ мижозларни нафақат сақлаб қолиш балки янада кўпроқ жалб этиш мақсадида турли янги хизматлар ўйлаб торилди ва таклиф этила бошланди. Шу аснода XX асрнинг 80 йилларида банк хизматларининг “уйдан туриб фойдаланиш” сингари шакллари таклифи авжига чиқишни бошлади. 1982 йилнинг ноябр ойида Nottingham Building Society қурилиш компанияси ва Шотландия банки British Telecom телефон компанияси билан ҳамкорликда Homelink тизимини йўлга қўйди. Бу тизим ҳам 1983 йил ўрталарига қараб тўлиқ ҳажмда ишга туширилди ва шундан сўнг бу сингари

хизматларни бошқа кредит ташкилотлари ҳам тақдим эта бошладилар.

Банк хизматларини фақат телефон орқали кўрсатиш имкониятини биринчи бўлиб инглиз банки First Direct (1989 йил) таклиф қилди. Бу банк иши тарихида илк маротаба фақат телефон орқали хизмат кўрсатадиган банкнинг юзага келганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз, чунки бу банкнинг бирорта ҳам бўлими йўқ эди. First Direct банки ўз мижозларига электрон каналлар орқали хизмат кўрсатаётган энг биринчи ҳамда ҳозирда ҳам жуда самарали фаолият юритаётган банклардан биридир.

Интернет орқали ўз хизматларини таклиф этувчи биринчи соф интернет банки 1995 йилда пайдо бўлган First Security Network Bank ҳисобланади. Электрон хизматларнинг биринчи йили натижаларига кўра унинг активлари 110 млн долларни ташкил қилган. Капиталининг ўртача ойлик ўсиши 20%ни ташкил этган. Мижозларининг ҳисобварақлари эса ўн мингтага ошган. 1997 йилда тўлиқ виртуал банкка айланган бўлсада, мижозларнинг ишончсизлиги туфайли муваффақиятсизликка учраган. 1998 йилда АҚШ нинг “Royal Bank Financial Group” томонидан сотиб олинган. Бу банк ўз хизматларини фақат интернет доирасидагина амалга оширади ва мижозлар билан ишлаш учун ҳеч қандай моддий шаклдаги офисга эга эмас. Бу банк ўз мижозларига банкнинг веб сайти орқали ҳар қил банк ҳисобрақамлари очишга ва уларни бошқаришга, товар ва хизматлар учун тўловни амалга ошириш ва шахсий ҳисобрақамидаги маблағларнинг қолдиқларини текширишга имконият беради. Банк мижозлари АҚШ нинг 45 та штатларида бор.

Европадаги биринчи Виртуал банк Германиядаги Дрезден банк гуруҳининг шўбаси бўлиб, ўз операцион фаолиятини 1996 йилда бошлаган “Advance Bank” ҳисобланади. Бу хилдаги банкларга бошқа мисоллар – Bankdirect (1999 йилда асос солинган), (1999 йилда асос солинган), Compubank (1998), Netbank (1996).

2001 йилнинг мартада Япония ҳукумати SONY корпорациясининг Online banking очиш учун лицензия берган. Бу банкда фақатгина биринчи ойнинг ўзида йигирма бир минг ҳисобрақам очилган. Америка ва япония

виртуал банкирларининг муваффақияти шу билан ифодаланадики, 2004 йилдаги ҳар уч банкдан бири интернет банкинг ни қўллаган. Жаҳон банкининг маълуотиға қараганда, 2010 йилда online banking фойдаланувчилар сони 300 млнгача ошди.

Россия давлатида эса масофавий банк хизматлари ривожланиши 90 йилларда бошланди. Дастлабки янги хизматларни таклиф этувчи банк сифатида Инкомбанк ўзининг “Инком-Телебанк” тизими билан фаолиятинин янада самарали кечиши учун замин яратди. Лекин 1998 йилдаги инқироздан сўнг масофавий банк хизматлари бозори фаол иштирокчилари сифатида Автобанк ва Гута-банк (Ҳозирги Уралсиб банки ва ВТБ-24 банк) лар катта саҳнаға чиқишди. Россияда виртуал банкинг асосчиси сифатида “Автобанк” (Банк Уралсиб)ни кўрсатишимиз мумкин, чунки 1998 йил май ойидан бошлаб ушбу хизматни ўз миждозларига тақдим эта бошлаган. Шунингдек тўлиқ “виртуал” банклардан биринчиси сифатида (ҳамда бугунги кунда Россияда ягона) Свердловский вилояти бозорида фаолиятини амалға оширувчи Банк24.ру банкини кўришимиз мумкин. Бу банк автоматлаштирилган банк сифатида туну кун 24 соат миждозларига хизмат кўрсатади ва асосий диққат эътиборини сифатли хизмат кўрсатиш ҳамда ўзининг брэнди ва маркетингига қаратади.

Кўриниб турибдики дастлаб АҚШ ҳамда Ғарбий Европа мамлакатларида кенг қўлланила бошлаган Интернет-банкнинг хизмат тури вақт ўтиши билан дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам фаол қўлланила бошлади.

Охириги беш йил давомида Ўзбекистон Республикаси “.UZ” Интернет-худудида тижорат веб-хизматларини кўрсатадиган сайтлар сони кўпайди. Бугунги кунда “.UZ” домен зонасида 17400 домен рўйхатдан ўтган<sup>1</sup>. Интернет-дўкон эгалари савдо майдонларидан фойдаланиш учун ижара ҳақи ва хизмат кўрсатадиган ходимлар маошини тўламаслик, реклама ҳаражатларини қисқартириш, дунёнинг ихтиёрий нуқтасидан дўконға

<sup>1</sup> «Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» расмий сайти. <http://old.ccitt.uz/ru/indicators/>

кирилиши каби афзалликларга эга бўлади. Бундан тапшқари, ҳар бир мижозга товар тўғрисидаги маълумотларни айтиб бериш зарурати қолмайди, ҳар бир товар ёки хизмат бўйича ахборот базаси шакллантирилиб, товарлар катта ассортименти жойлаштирилади ва қайси мижозга қандай товар зарурлиги тарихи юритилади. Ушбу тарихга асосан эса, мижозга индивидуал ёндашган ҳолда кейинги жараёни автомат равишда режалаштириш мумкин бўлади.


Интернет-дўкон харидорлари эса, ушбу савдо нуқталаридан товарларни арзонроқ сотиб олиш мумкинлигини, тармоқ дўконлари кунига 24 соат давомида очиқлигини, товарни олмасдан ва ўз уйидан чиқмасдан туриб у тўғрисида тўлиқ ахборотга эга бўлиш мумкинлигини аллақачон англаб етишди. Бундан ташқари, харидор олинаётган товарни форумларда муҳокама қилиши, олдинги харидорлар томонидан чет сайтларда ёзилган хулосалар ва таклифларни ўқиши мумкин бўлади. Бу орқали эса, албатта, вақт тежалади ва кўнгилдагидек товар танланади. Аммо, айтиш керакки, интернет-дўконлар камчиликлардан холи эмас, мисол учун, ёлғон буюртмалар расмийлаштирилиши, хакер хужумлари, ўз қўли билан «тирик» товарни ушлаб кўриш ёки текшириб кўриш мумкин эмаслиги, сотувчи томонидан товар олиб келинишини кутиш зарурлиги шулар жумласидан.

Банк хизматлари бозори электрон ҳужжат айланиши тизимига ўтган даврлардан бошлаб бир қанча турдаги электрон хизматлар қўлланила бошланди ва мижозларга кенг миқёсда таклиф этилди. Компютер технологиялари ҳамда интернетнинг фаол қўлланилиши хилма хил банк хизматлари бозорини юзага келишига замин бўлди.

Анъанавий банк хизматларининг эндиликда масофадан туриб амалга ошириш имкони барчага бирдай маъқул келгани натижаси ўлароқ унинг сегментларга ажралишига сабаб бўлди.

Масофадан туриб бошқариладиган банк хизматлари бевосита электрон воситалар ёрдамида амалга оширилиши табиий ҳолга айланиб борди.

Натижада барча масофавий банк хизматларига янгича электрон банкинг деган таъриф ҳам ишлатила бошланди.



### 1.1.3-расм. Электрон банкингнинг турли гуруҳларга таснифланиши.

**Телефон banking** – стационар телефоннинг тонал хизмати ёки банкнинг Цалл-центри орқали ўз ҳисобрақамини бошқариш.

**РС banking** – Шахсий компьютер модеми ва “Банк-мижоз” дастури орқали ўз ҳисобрақамини бошқариш.

**Видео-banking** – “Инфокиоск”лар ва видеоконференциялар орқали ўз ҳисобрақамини бошқариш.

**Мобил banking** – Мобил телефон орқали ўз ҳисобрақамини бошқариш.

**Интернет банкинг** – Шахсий компьютер ва интернет тармоғи орқали ўз ҳисобрақамини бошқариш.

**АТМ банкинг** – банкоматлар орқали ўз ҳисобрақамини бошқариш.

**Интерактив телевизион banking** – замонавий телевизор ва интернетдан фойдаланган ҳолда ўз ҳисобрақамини бошқариш.

**Мобил банкинг турларига тавсиф:**

**WAP-банкнинг** – мобил телефон ва интернет тармоғи орқали ўз ҳисобрақамини бошқариш.

**СМС-банкнинг** – қисқа хабарлар орқали ўз ҳисобрақамини бошқариш.

**STK-banking** – мобил телефон сим-картасига ўрнатилган махсус дастур орқали бошқариш (бунда аниқ мобил тармоқ операторига боғлиқ бўлади);

**JAVA-банкнинг** – мобил телефон ўзига ўрнатилган махсус дастур орқали бошқариш (бунда мобил тармоқ операторига боғлиқ бўлмайди);

**NFC-банкнинг** (Near Field Communication) – 2-5 см оралиғида ишлайдиган радиотармоқ орқали фойдаланилади. Бунда махсус чип сотувчининг терминалида жойлаштирилади ва мижоз тўловини ўтказмоқчи бўлганида ўз мобил телефонини ушбу терминалга яқинлаштиради, махсус идентификацион рақамларни тиради ва тўловни амалга оширади.

Энди эса ушбу банк хизмат турларига тўлароқ тасниф бериб ўтамыз.

**Мобил банкнинг** — банк карталари ёки ҳисоб-рақамларини чўнтак ихчам компьютерлари, коммуникаторлар ва смартфонлар орқали бошқариш ҳисобланади. Онлайн тизимида ишлайди. Барча турдаги молиявий ҳужжатлар билан ишлаш имконини беради. Шифрлаш механизми ҳамда электрон рақамли имзо (ЭРИ)ни ўз ичига олган ҳолда жамоа бўлиб ишлаш имкониятини ҳам яратади. Mobile-Банкинг “Кафтингиздаги банк” концепциясини амалга оширган ҳолда туну кун ишлайди, тезкор ва мижозларнинг электрон банкинг хизматлари спектридан тўлиқ функцияда фойдаланишни таъминлайди.

Ушбу хизмат тури айниқса сўнгги йилларда бутун дунё бўйлаб тараққий этишини кузатишимиз мумкин, чунки барча инсонлар кундалик турмуш ҳаётларида бевосита қўл телефонларидан фойдаланишади. Дастлаб 1999 йилда Европанинг бир қатор мамлакатларида қўлланила бошлаган бўлса, кейинчалик Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида биринчи марта Россия Сбербанк банки томонидан 2002 йилда йўлга қўйилган. Биргина Россия тижорат банкларидан ВТБ24 банкни оладиган бўлсак iOS, Android, Windows Phone, Symbian сингари дастурларга мослаштирилган "Мобилный банк ВТБ24" хизмати йўлга қўйилган. Ушбу хизмат туридан дастлаб 200 мингга мижоз фойдаланган бўлса, ҳозирда ойига 10-15 минг кишига фойдаланувчилар сони ортмоқда.

Хусусан бизнинг мамлакатимизда ҳам ушбу хизмат турини фаол таклиф этаётган банклар сони йилдан йилга ортиб бормоқда, мижозлар сони эса кун сайин кўпаймоқда. Хусусан, биргина “Ҳамкорбанк” очик акциядорлик-тижорат банкининг ўзида замонавий андроид дастури асосида ишловчи смартфонлар учун жуда қулай бўлган Mobile-Банкинг хизмати жорий этилди.

**Телефон банкинг** — банк ҳисоб-рақамларига ҳамда карталарига телефон орқали кириш дастури. Бу хизмат орқали жорий қолдиқлар ҳақида маълумот, факсга маълум муддат учун кўчирма (выписка), карталарни ҳисобини тўлдириш ёки блокда қолдириш, телефон тўловлари ва ҳоказоларни билиш имконига эга бўлинади.

Телефон банкингдан фойдаланилаётганда мижоз берилган рақамга телефон қилади ҳамда боғлангандан кейин телефонни товушли режимга ўтказди. Овозли менюнинг инструкциясига амал қилган ҳолда, ҳамда тегишли пунктни танлагач, мижоз керакли маълумотни овозли хабар ёки факс бўйича ҳужжат кўринишида олиш имконига эга бўлади.

Юқоридаги банк хизмат туридан асосан кўнғироқ марказлари фаолиятига ўхшаш тарзда фойдаланиш имкони бор ва ўзига хос жиҳати бунинг учун интернет тармоғи шарт эмас. Россиянинг жуда кўплаб банкларидан хусусан Банк24.ру банки ушбу хизмат турини ўз фаолиятида жуда кенг қўлламоқда. Австралия ва Янги Зеландиянинг ANZ банки, Буюк Британиянинг Lloyds TSB банки ва Канаданинг CIBC банклари томонидан кўрсатилаётган Phone-Банкинг хизмат турини намуна сифатида кўрсатиш мумкин.

**Web-Банкинг** — Internet-Банкингнинг енгиллаштирилган кўриниши бўлиб, электрон рақамли имзо (ЭРИ) механизмига эга эмас, банк карталари ҳамда ҳисоб-рақамларига кириш имконини Интернет орқали ҳамда исталган Web-браузер орқали беришга мўлжалланган.

Ушбу банк хизмати тури асосан ривожланган мамлакатлардан АҚШ, Япония ва Ғарбий Европа мамлакатларида фаол қўлланилади. Бугунги кунда

ушбу хизмат турини стандарт Интернет Explorer дастуридан фойдаланган ҳолда кўпчилик фойдаланмоқда.

Россиянинг ЗАО АКБ Газбанк, Солидарность банки, Москва банки томонидан кенг қўлланилаётган ушбу хизмат туридан бугунги кунда фаол фойдаланмоқда.

**WAP-Банкинг** — банк карталари ҳамда ҳисоб-рақамларига киришни мобил алоқа воситасидаги WAP орқали амалга ошириш имконини берувчи хизмат. Бунда мижоз банк олд ҳақида маълумот олиш, валюта курслари, ҳисоб-рақамдаги ва карталардаги жорий қолдиқ балансни билиш имконини беради. Ундан ташқари мижоз тегишли муддат учун ўзининг ҳисоби ҳақида кўчирма сўраш, карталарни тўлдириш ва блок қилиш, WAP-тўловларни амалга ошириши мумкин.

Ушбу хизмат турининг энг қулай жиҳати, интернетга кириш имкони бўлган ҳар қандай мобил алоқа воситасининг WAP хизмати орқали кирилади ва ҳеч қандай махсус хизмат тури ёки дастурни талаб этмайди.

**SMS-Банкинг** — SMS ёрдамида банк карталари ҳамда ҳисоб-рақамларига кириш хизмати. Ушбу хизмат турида жорий қолдиқлар, ҳисоб ҳамда карталардаги маблағлар ҳаракати, ҳисоб-рақамидан кўчирма маълумотларини SMS-хабар тарзида олиш мумкин. SMS-хабарлари жўнатмаларини мижоз ўзи мустақил равишда Internet-Банкинг и PC-Банкинг орқали созлаши мумкин. Банк янгилик каналларига обуна бўлиш, SMS-сўровларни амалга ошириш имкониятлари ҳам яратилган.

“SMS-Банкинг” хизмати модули асосан корпоратив ҳамда хусусий мижозларни SMS-хабар орқали ҳабардор этишга қаратилган. Бу хизмат турининг дастлабки кўринишлари АҚШда қўлланилган бўлса, мамлакатимизда Самарқандбанк тижорат банки томонидан таклиф этилган.

Белорусиянинг ОАО «АСБ Беларусбанк», Украинанинг “ПриватБанк”, АҚШда “Bank of America” ва Россияда Сбербанк сингари энг йирик банклар ўз фаолиятларида ушбу хизмат турини кенг таклиф этишади.

**Телебанк тизими.** Мижозларга масофадан туриб хизматлар кўрсатишга телефон ва бошқа махсус дастурлар ёрдамида амалга ошириладиган Телебанк тизимини ҳам киритиш мумкин. Бунда телефон ва махсус дастурлар ёрдамида банкда ўрнатилган компьютер миждознинг саволларига автоматик тарзда жавоб беради. Телебанк миждозга турли маълумотларни оғзаки ва ёзма шаклда олиш, шунингдек, миждознинг ўз ҳисобварағи бўйича бир қанча актив операцияларини амалга ошириш имконини беради.

**РС-Банкинг** — офлайн тизимида банк карталари ҳамда ҳисоб-рақамларини бошқариш хизмати. Барча турдаги молиявий ҳужжатлар билан ишлаш имконини беради. Олдинги маълум бўлган Банк-Мижоз хизматининг эволюцион ривожланиши натижаси ҳисобланади. Электрон рақамли имзо шифрлаш механизмига эга, банк сервери билан боғланган ҳолатда миждозлик компонентларини автоматик янгилашни таъминлайди, жамоа бўлиб ишлаш имконини яратади ҳамда бухгалтерия дастурлари билан ўзаро алоқада ишлаш имкониятига эга.

“РС-Банкинг”да 2 та тизим “йирик” ҳамда “нозик” миждозларга мўлжалланган тизимларга бўлинади.

Яқин яқиндан бери банклар чакана хизматларининг шакли “нозик миждозлар” учун мўлжалланган бўлиши тарафдори бўлишмоқда, чунки Интернет-банкингда миждозлар ҳар қандай интернет тармоғига уланган компьютер ёрдамида махсус дастурий таъминот ўрнатмасдан туриб ҳам ишлаш имкониятига эга бўладилар. “Йирик миждоз” эса кўпроқ юридик шахслар билан ишлаш учун қулай ҳисобланади.

Биринчиси – бу “**Банк-миждоз**” тизими бўлиб, унда шахсий компьютерга кредит ташкилоти мутахассислари томонидан ўрнатиладиган етарли ҳажмдаги махсуслаштирилган ахборот дастурий таъминот (банк компьютерлашган тармоғига кириш, операциялар маълумотлар базасидан фойдаланиш, маълумотнома, шифрлаш воситалари ва ҳ.к.лардан фойдаланиш мумкин бўлган дастур) ўрнатилади.

Иккинчиси – бу интернет банкинг тизими бўлиб, маълум бир турдаги браузердан фойдаланган ҳолда маълумотни махсус идентификацияловчи ташувчилар (“кодлашган дискетлар”, “смарт карталар” ва ҳ.к.) ёрдамида ишлаш имконини беради.

Интернет-банкнинг тармоғини 2-чизмадаги модель кўринишида тасаввур қилиш мумкин:



#### 1.1.4-расм. Интернет-банкнинг тармоғи модели<sup>1</sup>

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Интернет-банкнинг– Банк-Мижоз тизимининг такомиллашган кўриниши ҳисобланади. Мижоз интернет тармоғига уланган компьютер ёрдамида банкнинг веб-сайт билан бевосита боғланган Интернет-банкнинг тизимига киради. Сўнгра мижоз авторизация механизми орқали ўзининг идентификациясини (айнан тегишли мижоз фойдаланаётгани тасдиғи) амалга оширади ҳамда шундан сўнг ўз ҳисоби ҳақида маълумотни билиши ёки бошқариш имкониятига эга бўлади. Мижознинг ўз ҳисоб-варағи билан боғлиқ бўлган барча операциялар ҳақиқий банк проводкаларида намоён бўлади. Банк шу сингари операцияларни ўтказиш имкониятига айнаён махсус ўрнатилган дастур бўлмиш – Интернет-банкнинг тизими орқали эга бўлади.

Яна бир диққатга сазовор жиҳати шундаки, Интернет-банкнинг тизими “нозик мижоз” механизмидан фойдаланган ҳолда, яъни банкнинг веб-сайти билан боғланган (Банк-мижоздан фаркли равишда) ҳамда мижознинг компютериға ўрнатилишининг ҳождати йўқ. Бу механизмнинг ишлаши учун интернет-дастурлаштиришнинг турли технологияларини қўллаш мумкин.

<sup>1</sup> Манба: Талабанинг мустақил тўплаган маълумотлари асосида яратилган

Ўзининг олдинги авлод вакилининг барча муносиб афзалликларини сақлаб қолган ҳолда, Интернет-банкнинг мижозлар учун қулай бўлган бир қанча қўшимча устунликларга ҳам эгадир:

- компьютерга қўшимча дастурий таъминотни ўрнатишнинг зарурати йўқ;
- мижоз ўзининг банкдаги ҳисоби ҳолати ҳақида энг тезкор маълумотни олиш имконига эга (банкда мижоз ҳисобига келиб тушган маблағ ҳақида маълумот банк билан бир вақтнинг ўзида мижозга ҳам маълум бўлади);
- мижоз ва банк ўртасидаги барча ҳужжатлар алмашинуви электрон кўринишда бўлади ҳамда мижоздан қоғоз кўринишидаги тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиш талаб этилмайди. Шунингдек, банк ҳам ўзидан мижознинг биринчи талабига биноан ҳар қандай банк ҳужжатини қоғоз нусхаси кўринишида мажбуриятдан ҳам воз кечмайди.

Шу билан биргаликда, Интернет-банкнинг home-bankingнинг бир тури сифатида ҳам намоён бўлади. **“Home-banking”** – бу масофавий банк хизмати технологияси бўлиб, мижозга банк хизматларидан фойдаланиш имконини банк офисига бормасдан туриб бажариш имконини беради. Бу технология 80 йиллар бошида дунё юзини кўрган ҳамда шу пайтга қадар муҳим эволюцион босқичлардан ўтган. Home-banking ривожланиши учта асосий босқични ўз ичига олади. Биринчи босқич – телефон банкинг. Бугунги кунда бу банк хизмати телефонларнинг овозли рақам териш имконияти билан кенгайтирилган. Иккинчи босқич – РС-банкнинг, мижозга ўз шахсий компютери ҳамда модеми ёрдамида банк серверига уланиш ҳамда банк операцияларини бажариш имконини беради (Интернет орқали эмас). Учинчи босқич – бу ҳозирги кундаги тармоқли ёки Интернет-банкнинг гуркираб ривожланаётган босқичидир. РС-банкнингдан у шуниси билан фарқ қиладики банк билан ҳамкорликда ишлаётган ташкилот Интернетнинг кенг имкониятларидан фойдаланиши мумкин.

## 1.2. Республикамизда банк технологияларининг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикасида электрон тижорат соҳаси ривожини таъминлашга қаратилган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги, «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги, «Электрон тўловлар тўғрисида»ги, «Электрон тижорат тўғрисида»ги, «Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида» ва бошқа қатор қонунларнинг қабул қилиниши соҳа тараққиётида муҳим аҳамият касб этади.

Қар қандай мамлакат иқтисодиётида қўлланиладиган ихтиёрий дастур ёки хизмат ўзига хос қонуний жиҳатдан мустаҳкамланган асосга эга бўлиши талаб этилади. Бунда айнан хизмат турининг амалда давлат томонидан руҳсат этилганлиги ва фойдаланувчилар ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари аниқ белгиланишини кўрсатади. Натижада банк мижозлари ҳам кафолатланган тегишли хизматлардан фойдаланишда ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билиб олишади ва хизмат ҳавфсизлигига ишонч ҳосил қилишади

Ҳозирги кунда замонавий банк технологияларини амалга оширишда қуйидаги норматив ҳужжатлардан фойдаланилади:

- Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодекси;
- Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни, 1995 йил 21 декабрь;
- Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 1996 йил 25 апрель;
- Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги ЎРҚ-560-II-сонли Қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 16 декабрдаги “Электрон тўловлар тўғрисида”ги ЎРҚ-13-сонли Қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 29 апрельдаги “Электрон тижорат тўғрисида”ги ЎРҚ-613-II-сонли Қонуни;

- Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 29 апрельдаги “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги ЎРҚ-611-II-сонли Қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрьдаги “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги ЎРҚ-562-II-сонли Қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 4 апрельдаги “Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-30-сонли Қонуни;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” ПҚ-1438- сонли Қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 19 апрелдаги “Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1325-сонли Қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги “Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1090-сонли Қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги “Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-726-сонли Қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида”ги Низоми, 2013 йил 26 апрель, 2465-сон;
- “Ахборот коммуникатсион технологияларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора тадбирлар” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони ПФ-117 8-июл 2005-йил;
- Банк фаолияти тўғрисидаги норматив ҳужжатлар тўплами

Юқорида санаб ўтилган норматив ҳужжатлар тўлов тизимларини тузишнинг умум қабул қилинган халқаро тамойилларига асосан ишлаб чиқилган бўлиб марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартибини белгилайди.

Мамлакатимизда давлат органлари, хўжалик юриштирувчи субъектлар, шунингдек аҳолининг кундалик фаолиятида ахборот технологияларини кенг миқёсда татбиқ этишга алоҳида эътибор берилмоқда ва бу эса давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланди.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда жаҳоннинг йирик савдо компаниялари анъанавий савдо усулларида фойдаланиш билан бирга электрон тижоратдан ҳам кенг фойдаланмоқдалар. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда дунё аҳолисининг 10%<sup>1</sup> харидларни интернет тармоғи орқали амалга оширмоқда ва бу рақам кундан кунга ўсиб бормоқда.

Мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодиёти тизимига интеграциялашуви тегишли технологияларни нафақат ташқи бозорда, балки ички бозорда ҳам амалга жорий этилишини тақозо этади.

Республикаимизда электрон тижоратни тартибга солиш бўйича тегишли норматив-ҳуқуқий база яратилган. Бироқ, ахборот технологиялари ва тижоратнинг бугунги кундаги ривожланиш даражаси электрон тижорат соҳасидаги муносабатларни янада пухтароқ тартибга солишни талаб этади.

Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг 17 январдаги йиғилишидаги топшириқларини ижросини таъминлаш учун Марказий банк томонидан “Электрон тижорат тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилди. Янги таҳрирдаги қонун республикада электрон тижоратни янада ривожлантириш ва рағбатлантиришни кўзда тутди.

---

<sup>1</sup> Eurostat маълумотлари [www.bizhit.ru](http://www.bizhit.ru)

Қонун лойиҳаси республикада олиб борилаётган демократик бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодийни либераллаштириш бўйича устувор вазифаларни амалга ошириш доирасида электрон тижорат соҳасини такомиллаштиришга йўналтирилган.

Ҳужжат тадбиркорликни ривожлантириш ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашда қўшимча шароитлар, шу жумладан халқаро стандартларга жавоб берадиган технологик бозор инфраструктураси яратилишини таъминлайди.

Қонун лойиҳасининг асосий мақсади электрон тижоратнинг самарали фаолият кўрсатиши - товарлар савдоси, ишларни бажариш ва хизмат кўрсатишни электрон ҳужжатлар ва хабарлардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш учун қулай шароит яратиш, шунингдек электрон тижоратни амалга ошириш ва электрон тижорат иштирокчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг мукамал механизмларини яратишдан иборат. Мазкур қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида бир қатор мамлакатларнинг электрон тижорат фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги амалиётлари таҳлил қилинди.

Қонун лойиҳасида битимлар тузиш жараёнини соддалаштириш учун электрон битимларни расмийлаштиришни осонлаштириш имконини берувчи бир марталик идентификаторлардан ва бошқа имзолардан фойдаланишга рухсат этилмоқда.

Бундан ташқари, қонун лойиҳасида электрон тижоратда битимлар тузиш ва бошқа юридик ҳаракатларни амалга оширишда электрон ҳужжатлардан фойдаланиш жараёнида юзага келадиган муносабатлар тартибга солиниб, электрон ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда шартномалар тузишнинг ўзига хос хусусиятлари, электрон тижорат иштирокчиларига бўлган талаблар белгиланган.

Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси амалдаги қонундан қуйидагилар билан фарқ қилади:

- биринчидан, жисмоний шахслар-электрон тижорат субъектлари учун электрон ҳужжатларда электрон рақамли имзодан фойдаланиш бўйича

қатъий талаб бекор қилинади, жисмоний шахслар - электрон тижорат субъектларига электрон рақамли имзонинг бир марталик идентификаторидан ёки шахсий имзонинг аналогидан фойдаланишга рухсат этилади. Бу электрон битимларни расмийлаштиришни соддалаштириш ва интернет тармоғи орқали банк карталаридан фойдаланган ҳолда тўлов механизмини жорий этиш имконини беради;

- иккинчидан, электрон тижорат субъектларига электрон битимларни амалга ошириш бўйича хизмат кўрсатувчи ахборот воситачилари таркиби (телекоммуникация тармоғи операторлари, тўлов агентлари, электрон савдони ташкил этишни амалга оширувчи ва электрон ҳужжатларни депозитар сақлаш бўйича хизмат кўрсатувчи шахслар) кенгаяди;

- учинчидан, электрон ҳужжат (хабар)лардан фойдаланган ҳолда электрон битимлар тузилишини ўзига хос хусусиятларини ҳамда электрон шаклдаги шартномалар тузилишини ҳисобга олиб, оферта, тижорат таклифлари акцепти ва электрон тижорат шартномалари шартларига қўшимча талаблар ўрнатади;

- тўртинчидан, қонун лойиҳасида счет-фактура ва бошқа зарурий ҳужжатларни электрон шаклда расмийлаштириш имконини берувчи норма киритилди. Бугунги кунда, қонун ҳужжатларига мувофиқ, товарлар (иш, хизматлар) савдосида шартнома ижросини бажариш учун счет-фактуралар ва бошқа ҳужжатларни қоғоз шаклида имзолаш амалиёти мавжуд бўлиб, бу ҳол ўз навбатида, электрон тижоратни интернет тармоғи орқали амалга оширишга тўсиқлар яратади;

- бешинчидан, электрон тижорат учун қулай шароитлар яратиш ва уни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, ташкилий, технологик ва қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш масалалари бўйича ягона ёндашувни шакллантириш мақсадида давлат томонидан мазкур соҳани тартибга солувчи ваколатли орган тайинланиши кўзда тутилиб, унинг ваколатлари белгиланмоқда;

- Қонун лойиҳасида электрон тижорат иштирокчилари маълумотлари ва шахсий маълумотлар хавфсизлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мазкур қонуннинг қабул қилиниши ҳамда республикада электрон тижоратни янада кенгроқ жорий этилиши куйидагиларни амалга ошириш имконини беради:

- савдо операцияларини амалга ошириш бўйича ҳаражатлар (транзакцион ҳаражатлар) анча камаяди, электрон тижорат субъектларининг бир-биридан географик узоқлиги билан боғлиқ муаммолар ҳал этилади;

- сотувчилар ва харидорлар ўртасида тўғридан-тўғри тезкор равишда шартномавий муносабатларни ўрнатиш учун шароит яратилади, шу жумладан бозорда янги иштирокчилар пайдо бўлади (бундай шароитда кичик бизнес субъектлари халқаро бозорда ҳам самарали рақобат қилишлари мумкин бўлади);

- ахборот тармоқлари воситасида электрон савдо қилишда операцияларнинг шаффофлиги ошади, бу эса сотувчилар ва харидорларга қисқа фурсатда нархлар, сифат ва товарни етказиб бериш билан боғлиқ ҳар хил рақобатчилар таклиф этган маълумотларни олиш имконини беради.

“Электрон тижорат тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда жамоатчилик вакиллари билан кенг муҳокама этилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки бугунги кунда республикада замонавий банк технологияларини самарали қўллаш учун зарурий ҳуқуқий база яратилган, миллий инфратузилма шакллантирилиб, зарур воситалар ишлаб чиқилган. Замонавий банк технологияларини барча жойларда кенг қўллаш мақсадида ушбу соҳадаги меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, замонавий банк технологияларини халқаро талабларга мувофиқ жиҳозлашни яхшилаш, электрон тижоратни трансчегаравий қўллаш учун шароит яратиш даркор.

## **1-боб бўйича хулоса**

Тижорат банкларида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий асослари ҳақида умумий хулоса шундан иборатки, банк хизматлари бозорида банк технологияларининг ривожланиши самараси ўлароқ аввало АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатларида дастлаб илк кўринишлари таклиф этилгани алоҳида қайд этилади. Ушбу хизматларда боғланиш имконини яратувчи воситалар дастлаб оддий телефон, сўнгра тармоққа уланган компьютерлар, кейинчалик мобил алоқа воситалари, ҳамда бугунги кунга келиб интернетга уланиш имкони мавжуд бўлган турлича электрон технологиялардан фойдаланиш мумкин.

Ахборотлаштириш ва тезкор тўловларни амалга ошириш тизимини барпо этиш замирида фойдаланилаётган барча масофавий банк хизматлари ва хусусан Интернет-банкнинг хизмати назарий жиҳатдан шу кунга қадар камроқ ёритилган. Чунки амалиётда ундан фойдаланиш ҳали бизни мамлакатимизда урф даражасигача кўтарилгани йўқ. Юқоридаги бобда қайд этилганидек бир неча хил кўринишдаги масофавий банк хизматлари банклар фаолиятида қўлланила бошлагандан буён улардан фойдаланишга доир турли хил кўрсатмалар билан бир қаторда норматив асос сифатида банклар билан миқдор ўртасида тузиладиган турли хил шартномалар ҳозирча юридик ҳужжат сифатида амал қилади. “Ўзбекистон Республикаси банклари ўртасида электрон тўловлар тизими бўйича ҳисоб-китоблар юритиш тўғрисида” Низомда ҳам ушбу масофавий банк хизматларида тўловларни амалга оширишдаги асос бўлиб хизмат қилувчи тўловларни электрон шаклда ўтказиш шакллари ва тартиблари кўрсатилган.

Биринчи боб юзасидан якуний хулоса ўрнида замонавий банк технологияларнинг, хусусан интернет-банкнинг хизматининг бугунга қадар босиб ўтган йўли асосида шаклланган фикрлар мажмуи ва ҳуқуқий муносабатлар йиғиндиси ҳозирги кунда амал қилаётган ушбу хизмат тури учун асос сифатида хизмат қилмоқда.

## **2-БОБ. ЗАМОНАВИЙ БАНК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ АМАЛДАГИ ХОЛАТИ ВА УЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

### **2.1. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида замонавий банк технологияларидан фйдаланишнинг амалдаги ҳолати ва таҳлили**

Ривожланган мамлакатлар банк тизимида замонавий ахборот технологиялари негизидаги банк хизматлари бозорининг асосий қисмини ташкил этувчи Интернет-банкнинг хизмати сўнгги йилларда мамлакатимиз тижорат банклари томонидан ҳам фаол қўлланилиб келинмоқда. Агар ушбу хизмат турининг фақатгина 2007 йилда мамлакатимиз банк тизимида кириб келганини ҳисобга олсак сўнгги 6 йил ичида ушбу хизмат тури жадал суръатлар билан ривожланди ва кўплаб тижорат банкларимиз томонидан таклиф қилинган ҳолда бир неча хил кўринишларини қўллаш янгиликлари кузатилмоқда.

Замонавий ахборот технологияларини қўллаган ҳолда масофавий банк хизмати атамаси остида бирлашувчи кенг миқёсдаги хизматлари орасидан бугун мамлакатимизда Интернет-банкнинг ва мобил банкнинг хизматларига бўлган талаб юқоридир. Маълумки, Интернет-банкнинг хизмати банк ҳисоб рақамини масофадан туриб назорат қилиш ва стационар компьютер ёки ноутбукдан интернет орқали туну-кун реал вақт режимида бошқариш имконини беради. Мобил банкнинг ҳам деярли шундай қулайликларга эга, фақат бунда мобил телефон банк ҳисоб рақамини бошқариш воситаси сифатида хизмат қилади.

Ўзбекистонда Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги Қарори масофавий банк хизматини ривожлантириш учун йўналтирилган бўлиб, унга асосан мамлакатимиздаги барча тижорат банклари 2015 йилга қадар жисмоний ва юридик шахслар учун Интернет-банкнинг хизматларини йўлга қўйишлари лозим.

Қайд этиш жоизки, мамлакатимизда Интернет-банкнинг хизмати 2007 йилда корпоратив мижозлар учун сервис сифатида юзага келган эди. Уни ривожлантиришнинг кейинги босқичи эса жисмоний шахслар учун ҳам ушбу хизмат турини жорий этишда намоён бўлди.

Ўзбекистонда Интернет-банкнинг хизматини жисмоний шахсларга дастлаб собиқ “Samarqand” ОАТБ таклиф этган. 2009 йилнинг май ойида ушбу банк Sam.online деб номланган интернетдаги янги хизмат турини тақдим этди. Унинг мижозлари масофадан туриб, уяли ва шаҳар телефон алоқалари, интернет провайдерлар хизматлари, коммунал хизматлари учун ҳақ тўлашлари, интернет-дўконлардан харидлар қилишлари, маблағларни юридик ва жисмоний шахсларга ўтказишлари, банкка молиявий ҳужжатлар жўнатиш ва ҳисоб рақамлардаги маблағлар айлнмаси тўғрисидаги маълумотларни олишлари мумкин эди. Шунингдек, банкда масофадан туриб, банк депозитларини танлаш ва уларга маблағларни жойлаштириш имконияти мавжуд бўлган. Мобил банкнинг хизматини ишга туширишда ҳам “Samarqand” ОАТБ биринчилардан бўлди. Банк мижозлари мобил телефонларидан фойдаланган ҳолда уяли алоқа ва интернет провайдерлар хизматларига пул тўлашлари мумкин бўлган. Афсуски 2014 йил январ ойида Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Қонунининг 53-моддаси ва "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг 14-моддасига асосан амалдаги банк қонунчилиги талабларини бузганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Марказий банки "Samarqand" очик акциядорлик-тижорат банкидан банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиясини чақириб олди<sup>1</sup>.

Интернет-банкнинг иккинчи бўлиб “Алоқабанк” ОАТБда жорий этилди. Бугунги кунда ушбу хизмат тури масофадан туриб, коммунал хизматлари, алоқа хизматлари, интернет провайдерлар хизматлари, телефидение, давлат божи, солиқ, ДАН жаримаси каби хизматлар доираси учун пул тўлаш ҳамда ҳисоб рақамлари тўғрисидаги ахборотни олиш имконини беради.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси марказий банки расмий сайти <http://www.cbu.uz/uzc/node/42480>

2011 йилнинг февраль ойидан эътиборан “Hi-Tech Bank” ХЁАТБ ҳам жисмоний шахслар учун мобил банкинг хизматларини йўлга қўйганини маълум қилди. Ушбу хизмат мижозларга мобил телефон воситасида уяли алоқа учун абонент тўловларни, шаҳар телефони, интернет провайдерлар хизмати ҳақини тўлаш, ҳисоб рақамлардаги маблағлар ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотни олиш тўғрисида қўл келмоқда.

Реал вақт режимида мобил телефон воситасида назорат қилиш имконияти “Ўзбекистон саноат-қурилиш банки” ОАТБ, «Асака» ДАТБ (ОАЖ), «Трастбанк» ХОАББ, «Микрокредитбанк» ОАТБ, “Алоқабанк” ОАТБ, «Универсал банк» ХОАТБ, “Hi-Tech Bank” ХЁАТБ, «Asia Alliance bank» ХОАТБ, Туркистон» ХОАТИБ, Ўзбек-Турк қўшма банки — «ЎТ-Банк», «ЎзҚДБ Банк» ЁАЖ, «Ипак Йўли» ОАИТБ ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан тақдим этиб келинмоқда. Улардан айримлари ўз мижозларини ҳисоб рақамларидаги операциялар бўйича электрон почта, факс ва стационар телефонлар орқали хабардор қилиб турадилар.

Хавфсизлик даражаси ҳақида гап кетганда, маҳаллий бозоримизда ҳанузгача фирибгарлик ҳолатлари учрамаган бўлса-да, лекин жаҳон тажрибаси бундай ҳукуқбузарликларнинг реал ҳолатларини қайд этади. Банклар сайтида берилаётган қоидаларга риоя этилган ҳолатларда Интернет-банкнингдан фойдаланишдаги хавф-хатар даражаси анча паст. Бу борада чоратадбирлар рўйхати ҳам соддагина: компьютерда доимий янгиланиб турувчи вирусга қарши дастур ўрнатиш, компьютерга бошқа бир дастурий таъминотни ўрнатишда эҳтиёткорона иш тутиш (айниқса, улар шубҳали манбалардан олинган бўлса), паролни, ПИН-кодларни, электрон рақамли имзоларни бегона шахслар қўлига тушмайдиган жойларда сақлашдан иборат.

Нотаниш, шубҳали сатрларга кирганда, жумладан номалум жўнатувчилардан келган электрон хатларга ва интернетдаги “серфинг”га алоҳида эҳтиёткорлик билан ёндашмоқ жоиз. Бундан ташқари, Интернет-

банкнинг тизимидан хизмат компютери орқали ёки интернет кафеда фойдаланиш тавсия этилмайди.

Ҳозирча маҳаллий банклар хизматлар турли-туманлиги ва сифати бўйича жаҳон стандартларига етганича йўқ. Бироқ банкларимиз жисмоний шахсларга эътибор қаратишда кучли мавқега эга. Мамлакатимизда аҳоли учун ҳам, банклар учун ҳам бирдек қулай бўлган масофавий банк хизматларини ривожлантириш яқиндан бошланди. Эндиликда, мижозга банк операциясини амалга ошириш учун муайян банк филиалига боришга ҳожат йўқ. У йўл учун, навбатга турганда, банк хизматчилари ходимлари билан суҳбат учун вақтини кетказиб ўтирмайди. Бунинг ўрнига кеча-кундуз давомида, реал вақт режимида ҳисоб рақамини кузатади ва назорат қилади. Масофавий банк хизматларининг мижозлар учун имкониятлари ана шундан иборат. Бу эса банкларга қўшимча ҳаражатларни қисқартириш имконини ҳам беради.

Мамлакатимизда фароият юритаётган тижорат банкларидан “Invest Finance Bank” хусусий очик акциядорлик тижорат банки фаолиятига тўхталиб таҳлил қилсак, “infinBANK” банк мамлакатимиз тижорат банклари орасида етакчилар сафида жисмоний шахслар учун Интернет-банкнинг (infinonline) хизматини жорий этмокда. Бу хизмат туридан онлайн режимида дунёнинг исталган нуқтасидан Интернет орқали фойдаланиш мумкин. Унинг ўзига хос жиҳати 24 соатлик кеча-кундуз давомида дам олиш кунларисиз ҳам фойдаланиш имконияти яратилгани билан боғлиқ. Ҳаттоки, Интернет-банкнинг мижоз ҳисоб рақамини турли компютерлар (шахсий бўлмаган) ёрдамида ҳам бошқариш хусусиятига эга экани билан аҳамиятлидир. Факатгина ўша компютерга Интернет уланган бўлса бас. Шунда куннинг қай бир маҳали бўлмасин, ҳисоб рақамдаги ҳаракатлар ҳамда қолдиқ суммани бир зумда билиб олиш мумкин.

“Infinonline” тизими мижозга барча асосий молиявий ҳужжатлар билан ишлаш ва ушбу жараёнларнинг дахлсизлигини таъминлашга хизмат қилади. Тизим рўйхатидан ўтилгач, мижоз банкнинг филиалларига бориб ўтирмаган

ҳолда ҳам банк хизматларидан фойдаланиш имконига эга бўлади. Бу ҳолат айниқса, банкдан узоқроқда жойлашган чекка туманлар аҳолисига ас қотиши турган гап.


Интернет-банкнинг тизимини жорий қилиш учун мижоз бирор-бир махсус дастурни компютерида мужассам этиши талаб этилмайди. Фақатгина электрон ҳужжатларга имзо чекиш учун USB-токен яъни, электрон калитга эга бўлиши лозим. Бу тизимдан фойдаланиш имконига эга бўлиш эса мижознинг банк офисларига боғлиқлик ҳолатидан ҳоли қилиб, ер шарининг турли бурчакларида ҳам ўз ҳисоб рақамидан операцияларни амалга оширишга замин яратади. Шундай қилиб, “infinonline” тизими жисмоний шахслар томонидан ҳисоб рақамни масофадан туриб бошқаришдан ташқари, тўловларни амалга ошириш, омонатлар очиш, кредитлардан фойдаланиш каби қулайликларни яратади

Масофавий хизматлар бозорини ривожлантириш йўлида мамлакатимиздаги мавжуд шарт-шароит ва унинг такомиллашувига қаратилган эътибор хусусида тўхталиш жоиз. Сир эмаски, бугун Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияларини тараққий эттириш, электрон коммерция жараёнларини ҳаётга татбиқ этишга имкон берувчи меъёрий-ҳуқуқий база шаклланган. Хусусан, бунга “Электрон тўловлар тўғрисида”ги, “Электрон ҳужжатлар айланмаси тўғрисида”ги, “Электрон имзолар тўғрисида”ги, “Электрон тижорат тўғрисида”ги, “Ахборот хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг қабул қилингани ёрқин исбот бўла олади. Шунингдек, мазкур соҳа ривожига хизмат қилувчи мамлакатимиз Президентининг ва ҳукуматининг қатор қарорлари ҳам тижорат банкларимиз олдида қўйган вазифаларни тўлақонли бажаришида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳозирда “infinBANK” томонидан масофавий банк хизматлари лойиҳаси доирасида мижозлар учун express кредитлари ва овердрафт кўринишидаги online кредитлари таклиф этиш режалаштирилган. Ушбу хизматлар бўйича вақт чегараланмаган ҳолда кеча-кундуз фойдаланиш имконияти яратилган.

Мисол учун, express кредитлари маълум бир мақсадлар – маиший техника, мебел ва шу каби бошқа жиҳозларни сотиб олиш учун берилса, online кредитлари чакана сарф-ҳаражатлар – уяли алоқа телефони хизмати учун пул ўтказиш, коммунал тўловларни амалга ошириш, ресторан ва бошқа хизмат кўрсатиш муассасалари ҳаражатларини қоплаш учун ажратилади. Кредитлар миқдорларнинг депозит ҳисоб рақамларидаги қолдиқ доирасида тақдим этилади.

Тижорат банкларимиз миқдорлари масофавий банк хизматларининг тақлиф этилаётгани самараси ўлароқ кундан кун ортиб бормоқда.



### **2.1.1-расм. Масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар умумий сони<sup>1</sup>**


Масалан, мамлакатимизда 2014 йил 1 январ ҳолатига кўра масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сони 264 мингдан ошди.

2.1.1-расмда акс этирилганидан шуни англаш мумкинки, сўнгги тўрт йил мобайнида тижорат банкларимиз томонидан тақлиф этилаётган масофавий банк хизматларининг турли кўринишларидан фаол фойдаланиб келаётганлар сони 10 баробардан ҳам ошган, яъни 24545 тадан 264390 тагача етган.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси марказий банки расмий сайти  
[http://www.cbu.uz/uzc/section/payment\\_system/remote\\_banking](http://www.cbu.uz/uzc/section/payment_system/remote_banking)

Энди эса, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотларига кўра масофавий банк хизматларининг турлари бўйича, хусусан SMS-банкнинг ва мобил банкнингдан фойдаланувчилар сонини таҳлил қиламиз.



### 2.1.2-расм. Масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сони

(Интернет банкнинг ҳамда SMS-банкнинг ва мобил банкнинг)<sup>1</sup>

2.1.2-расмда акс эттирилган маълумотларга асосан шуни айтиш мумкинки, охириги тўрт йил даври мобайнида Интернет-банкнингдан фойдаланувчилар сони сал кам 4 бараварга ортган бўлса, SMS-банкнинг ва мобил банкнинг фойдаланувчилари сони 20 бараварга ортишини гувоҳи бўламиз. Натижада, 2014 йил 1 январ ҳолатида нисбатан SMS-банкнинг ва мобил банкнинг фойдаланувчилари сони 207851 кишини ташкил этган бўлса, Интернет-банкнингдан фойдаланувчилар сони 56539 кишига етган.

Масофавий банк хизматлари фойдаланувчилар сони динамикасини тижорат банкларига кўра тақсимлаб чиқсак, ТИФ Миллий банки 63470 фойдаланувчи, АТИБ Ипотека банки 37662 фойдаланувчи, ДАТБ Асакабанк 28336 фойдаланувчилар сони билан масофавий банк хизматлари фойдаланувчилари сони бўйича етакчилик қилишмоқда. Юқоридаги тижорат банкларининг кўпчилик миқдорлари мобил банкнинг хизмати вакиллари

<sup>1</sup> ЎзР марказий банки расмий сайти [http://www.cbu.uz/uzc/section/payment\\_system/remote\\_banking](http://www.cbu.uz/uzc/section/payment_system/remote_banking)

саналади. Янги мобил банкинг хизмати жорий этилгач уларнинг кўпчилиги шу хизматга уланишни бошлашди.

## 2.1.1-жадвал

### Масофавий банк хизматлари фойдалаувчилар сони<sup>1</sup>

(2014 йил 1 январь ҳолатига кўра)

| №            | Тижорат банклари                  | Интернет-банкнинг ва банк-мижоз | SMS-банкнинг ва мобил банкнинг | Жами          |
|--------------|-----------------------------------|---------------------------------|--------------------------------|---------------|
| 1            | ТИФ "Миллий банки"                | 5513                            | 57957                          | 63470         |
| 2            | ОАТБ "Ўзсаноатқурилишбанк"        | 2286                            | 1664                           | 3515          |
| 3            | ОАТБ "Агробанк"                   | 2657                            | 858                            | 3515          |
| 4            | АТИБ "Ипотека банк"               | 3851                            | 33811                          | 37662         |
| 5            | ОАТБ "Микрокредитбанк"            | 3152                            | 16094                          | 19246         |
| 6            | ДТ "Халқ банки"                   | 2980                            | 15243                          | 18223         |
| 7            | ОАТБ "Савдогарбанк"               | 519                             | 491                            | 1010          |
| 8            | ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк"        | 1395                            | 10642                          | 12037         |
| 9            | ОАТБ "Турон банк"                 | 1484                            | 2344                           | 3828          |
| 10           | ОАТБ "Ҳамкорбанк"                 | 7563                            | 5532                           | 13095         |
| 11           | ДАТБ "Асакабанк"                  | 1896                            | 26440                          | 28336         |
| 12           | ОАИТБ "Ипак йўли банк"            | 3439                            | 10042                          | 13481         |
| 13           | ЁАЖ "ЎТ-Банк" Ўзбек-Турк банк     | 183                             | 143                            | 326           |
| 14           | ХОАББ "Трастбанк"                 | 1765                            | 1171                           | 2936          |
| 15           | ОАТБ "Алоқабанк"                  | 1951                            | 7766                           | 9717          |
| 16           | ЁАЖ "ҚДБ Банк Ўзбекистон"         | 341                             | 582                            | 923           |
| 17           | ХОАТБ "Туркистон"                 | 320                             | 45                             | 365           |
| 18           | Эрон "Содерот" Банкни шўъба банки | 7                               | 11                             | 18            |
| 19           | ОАТБ "Самарқанд банк"             | 6181                            | 385                            | 6566          |
| 20           | ХОАТБ "Универсал Банк"            | 562                             | 458                            | 1020          |
| 21           | ОАТ "Капитал банк"                | 3415                            | 12721                          | 16136         |
| 22           | ХОАТБ "Равнақ-Банк"               | 356                             | 83                             | 439           |
| 23           | ХЁАТБ "Давр-Банк"                 | 1326                            | 293                            | 1619          |
| 24           | ХОАТБ "Invest Finance Bank"       | 1523                            | 892                            | 2415          |
| 25           | ХОАТБ "Amirbank"                  | 22                              | 3                              | 25            |
| 26           | ОАТБ "Asia Alliance bank"         | 964                             | 1227                           | 2191          |
| 27           | ХЁАТБ "Hi-Tech BANK"              | 318                             | 88                             | 406           |
| 28           | ХЁАТБ "Orient finans" банки       | 570                             | 865                            | 1435          |
| <b>Жами:</b> |                                   | <b>56539</b>                    | <b>207851</b>                  | <b>264390</b> |

Юқорида келтирилган 2.1.1-жадвал маълумотларига кўра, мамлакатимиздаги барча 28 та тижорат банклари фаолиятида қўлланилиб келинаётган масофавий банк хизматлари бўлмиш Интернет-банкнинг ва Банк-

<sup>1</sup> ЎзР Марказий банки расмий сайти [http://www.cbu.uz/uzc/section/payment\\_system/remote\\_banking](http://www.cbu.uz/uzc/section/payment_system/remote_banking)

мижоз ҳамда SMS-банкнинг ва мобил банкнинг хизматлари фойдаланувчилари бўйича статистик маълумотларга асосан, энг кам фойдаланувчилар қайд этилган тижорат банк сифатида Эрон "Содерот" Банкнинг шўъба банки қайд этилган. Албатта, бу ҳолат банк миждозларининг сони ва банк хизматлари хилма хиллиги билан ҳам боғлиқ ҳолда алоҳида баҳоланади.

Бундай амалий саъй-ҳаракатларнинг самараси ўлароқ, 2013 йил 1 май ҳолатига кўра, республикамиз бўйича қарийб 44 мингдан зиёд хўжалик юритувчи субъектлар «Банк-Мижоз» ва «Интернет-банкнинг» дастурий мажмуалари хизматларидан фойдаланиб келмоқда. Миждозлар масофадан туриб, компьютер ва электрон алоқа тизими орқали банк амалиётларини амалга ошираяпти.

Замонавий ахборот технологиялари янги банк маҳсулотлари ва хизматларининг жорий этилиши мамлакатимиз банк хизматлари бозори кенгайишига шароит яратмоқда. Республикамизда бозор иқтисодиёти муносабатлари ривожлангани сари тижорат банклари ҳам чакана амалиётлар, миждозларга тақдим этадиган хизматлар турини ошириш орқали ўз фаолиятини диверсификациялашга эришмоқда.

Айни пайтда барча тижорат банклари Интернет тармоғида ўзларининг web-сайтларини очиб, улар банк фаолияти, янги хизмат турлари ва шартлари, миждозлар манфаатига тегишли маълумотлар билан мунтазам бойитиб борилмоқда. Марказий банк веб-сайти орқали эса давлат интерактив хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилган.

Аҳоли ўртасида мобил телефонлардан фойдаланишнинг кенгайиб бориши банклар томонидан мобил-банкнинг (war-banking) ва sms-банкнинг хизматлари йўлга қўйилишига олиб келди. Ҳозирги пайтда 107 минг нафар миждоз ушбу хизмат турларидан фойдаланмоқда. Айтиш ўринлики, шу йилнинг биринчи чорагида банкларнинг мазкур хизмат турларидан фойдаланувчилар сони 50 фоиз ўсишига эришилди.

Замонавий банк технологиялари ҳақида сўз борар экан, албатта банк пластик карталари ва унга хизмат қилувчи терминаллар ва банкоматларга тўхталиб ўтишга мажбурмиз.


Нақд пул маблағларини банкдан ташқари айланишини қисқартириш, аҳолининг кенг қатламини банк фаолиятида қатнашишга жалб этиш, Республика банклари томонидан халқаро хизматларни кўрсатишни кенгайтириш, банк, пул, кредит тизимининг тамойил ва қоидаларини жаҳон андозаларига мос равишда ишлаб чиқиш ва бошқа мақсадларни амалга оширишда пластик карточкаларни ўрни бекиёсдир. Пластик карточкаларни муомалага киритилиши иқтисодиётимизни жадал суратларда ривожланишига, жумладан пулнинг банкдан ташқари айланмасини қисқартиришга, пулнинг айланиш тезлигини мақбул доирада бўлишига, пул массасига хизмат кўрсатиш харажатлари (қоғоз пуллар чиқариш, ташиш, санаш, қайта санаш ва х.к.)ни камайшига, аҳолини банк билан ишлашини такомиллаштиришга ва бошқа бир қатор ижобий факторларни ривожланишига олиб келади.

Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан пластик карточкалардан фойдаланишда қулайликлар яратиш мақсадида савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари томонидан тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби белгилаб олинди. Бугунги кунда пластик карточкалар ёрдамида тўловларни қабул қилиш бўйича терминаллар билан жиҳозланиши керак бўлган чакана савдо ва пуллик хизматлар соҳаси объектлари рўйхати доимий равишда қайта кўриб чиқилмоқда ва кундан-кунга кенгайтирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ўтказиш тартибини белгилайдиган “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида”ги Низом 2013 йил 26 апрельда қайта ишлаб чиқилди. Ушбу Низомда банк пластик каточкалари орқали ҳисоб-китоблар белгиланган бўлиб, унга кўра.

Банк пластик карточкаси – банк томонидан эмиссия қилинган, персонализацияланган, тўлов воситаси сифатида ишлатиладиган ва ўз сақловчисига банк ҳисобварағидаги маблағлари доирасида операцияларни, жумладан, ҳисобварақ орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларни (тўловларни) амалга ошириш, ундан нақд пул маблағларини ва банк кредитини олиш имконини берувчи банк пластик картаси.

Пластик карточкалар ҳақида гап борар экан, уларга хизмат кўрсатувчи, тўловларни амалга ошириш учун тегишли аппарат ва дастурий таъминот бўлиши лозим. Ана шундай элементлардан бири банк терминаллар ҳисобланади.




**2.1.3-расм. Республика бўйича терминаллар сонининг ўсиш динамикаси, донa.**

Тижорат банклари томонидан хизмат кўрсатиш сифати ва қулайликларини ошириш мақсадида терминаллар сони йил сайин ошиб бормоқда. 2012 йил мобайнида унинг ўсиш суръати олдинги йилга нисбатан 1,13 мартадан кўпроқ ошган ва 112712 донани ташкил этган. 2013 йилда эса 1,15 мартага ошган ва 129679 донани ташкил этган.

Пластик карточкаларга хизмат кўрсатишнинг асосий воситаларидан яна бири банкоматлар инфокиосклар ҳисобланади. Илгари пайтлари фақат банklar ҳудудидагина кўришимиз мумкин бўлган банкомат ва

инфокиоскларни ҳозирги пайтда тижорат мамлакатимиз бўйлаб кўпгина жойларида фойдаланишимиз мумкин.



**2.1.4-расм. Республика бўйича банкоматлар ва инфокиосклар сонининг ўсиш динамикаси, дон.**

Банкоматлар сони ҳам охириги йилларда анча ошганлигини кузатишимиз мумкин. 2010 йилда уларнинг сони 363 донани ташкил этган бўлса, 2014 йилга келиб уларнинг сони сал кам 5 бараварга ошган.

Республикаимиз тижорат банклари томонидан тарқатилган пластик карточкаларнинг умумий сони 2014 йил 1 январь ҳолати маълумотига кўра 11,1 млн. донани ташкил этган. Унинг асосий қисмлари Агробанк (2,4 млн), ТИФ Миллий банки (1,8 млн.), Халқ банки (1,5 млн.) ва Асака банк (1,2 млн.) ҳиссаларига тўғри келади. Банклар томонидан ўрнатилган терминаллари сони 129679 донани ташкил этган ҳолда бунда ҳам юқоридаги банклар етакчилик қилмоқда. Умумий банкоматлар ва инфокиосклар сони 1733 дон бўлиб буларда етакчи ўринларни Капитал банк (529), Ҳамкорбанк (296), ТИФ Миллий банки (243) ва Агробанк (134) лар эгалламоқдалар.

Банкоматлар ва инфокиосклар сони юртимизда албатта жудаям секин ривожланмоқда. Йил бошидаги ҳолатга кўра 11 млн.дан ортиқ банк пластик карточкалари эмиссия қилинган бўлса буларга хизмат кўрсатувчи банкомат ва инфокиосклар сони атти 1733 донани ташкил этади. Бу ҳолатдан кўриниб турибдики, ҳар бир банкомат ва инфокиоскга 6786 дон банк пластик карталари тўғри келади. Бу кўрсаткич жудаям паст ҳисобланади.

## 2.1.2-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларини 2014 йил 1 январь ҳолатига муомалага чиқарилган банк пластик карточкалар, терминаллар, банкомат ва инфокиосklar тўғрисида маълумот.**

| Банклар                 | Муомалага<br>чиқарилган<br>пластик<br>карталар<br>сони |                                                         |                                                          |                                                                       | Банклар<br>томонидан<br>ўрнатилган<br>терминаллар<br>сони | Банклар<br>томонидан<br>ўрнатилган<br>банкомат ва<br>инфокиоскал<br>ар сони |
|-------------------------|--------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------|
|                         |                                                        | Жисмони<br>й<br>шахсларн<br>инг<br>пластик<br>карталари | Юридик<br>шахсларн<br>инг<br>корпорати<br>в<br>карталари | Якка<br>тартибдаги<br>тадбиркорла<br>рнинг<br>корпоратив<br>карталари |                                                           |                                                                             |
| ТИФ Миллий банк         | 1 758 252                                              | 1 750 265                                               | 6 323                                                    | 1 664                                                                 | 14 714                                                    | 243                                                                         |
| Саноатқурилишбанк       | 885 159                                                | 883 433                                                 | 1 698                                                    | 28                                                                    | 6 984                                                     | 34                                                                          |
| Агро банк               | 2 380 093                                              | 2 378 578                                               | 989                                                      | 526                                                                   | 20 830                                                    | 134                                                                         |
| Микрокредитбанк         | 574 366                                                | 572 411                                                 | 1 216                                                    | 739                                                                   | 9 250                                                     | 33                                                                          |
| Халқ банки              | 1 517 092                                              | 1 513 593                                               | 1 477                                                    | 2022                                                                  | 19 623                                                    | 94                                                                          |
| Савдогарбанк            | 180 803                                                | 180 137                                                 | 398                                                      | 268                                                                   | 3963                                                      | 19                                                                          |
| Қишлоқ-қурилиш банки    | 284 858                                                | 284 073                                                 | 639                                                      | 146                                                                   | 5 455                                                     | 27                                                                          |
| Турон банк              | 171 337                                                | 169 511                                                 | 1 163                                                    | 663                                                                   | 2 437                                                     | 20                                                                          |
| Ҳамкор банк             | 144 723                                                | 141 948                                                 | 1 387                                                    | 1388                                                                  | 5 756                                                     | 296                                                                         |
| Асака банк              | 1 174 544                                              | 1 172 465                                               | 1 382                                                    | 697                                                                   | 9 018                                                     | 73                                                                          |
| Ипак йўли банки         | 320 694                                                | 316 915                                                 | 2 195                                                    | 1584                                                                  | 4 752                                                     | 35                                                                          |
| Ўзбекистон-Туркия банки | 11 330                                                 | 11 122                                                  | 190                                                      | 18                                                                    | 74                                                        | 0                                                                           |
| Траст банк              | 78 480                                                 | 77 010                                                  | 1 237                                                    | 233                                                                   | 1 735                                                     | 47                                                                          |
| Алоқа банк              | 180 384                                                | 179 380                                                 | 887                                                      | 117                                                                   | 3 670                                                     | 39                                                                          |
| Ипотека банк            | 1 037 635                                              | 1 028 640                                               | 4 356                                                    | 4639                                                                  | 15 009                                                    | 89                                                                          |
| ЎзҚДБ банк              | 36 897                                                 | 36 642                                                  | 255                                                      |                                                                       | 190                                                       | 3                                                                           |
| Туркистон банк          | 7 271                                                  | 7 032                                                   | 135                                                      | 104                                                                   | 481                                                       | 1                                                                           |
| Самарқанд банк          | 1 075                                                  | 1 058                                                   | 16                                                       | 1                                                                     | 19                                                        | 0                                                                           |
| Универсал банк          | 29 192                                                 | 29 049                                                  | 98                                                       | 45                                                                    | 580                                                       | 0                                                                           |
| Капитал банк            | 172 937                                                | 168 722                                                 | 3 313                                                    | 902                                                                   | 2 221                                                     | 529                                                                         |
| Равнақ банк             | 6 208                                                  | 5 932                                                   | 227                                                      | 49                                                                    | 94                                                        | 0                                                                           |
| Давр банк               | 15 259                                                 | 14 911                                                  | 259                                                      | 89                                                                    | 870                                                       | 0                                                                           |
| Invest finance bank     | 28 110                                                 | 27 569                                                  | 426                                                      | 115                                                                   | 695                                                       | 3                                                                           |
| Amirbank                | 9 914                                                  | 9 831                                                   | 56                                                       | 27                                                                    | 42                                                        | 1                                                                           |
| Asia alliance bank      | 37 471                                                 | 37 015                                                  | 425                                                      | 31                                                                    | 500                                                       | 8                                                                           |
| Hi-tech bank            | 5 596                                                  | 5 213                                                   | 263                                                      | 120                                                                   | 181                                                       | 2                                                                           |
| Orient finans банк      | 18 132                                                 | 17 725                                                  | 339                                                      | 68                                                                    | 536                                                       | 3                                                                           |
| <b>ЖАМИ</b>             | <b>11 067 812</b>                                      | <b>11 020 180</b>                                       | <b>31 349</b>                                            | <b>16283</b>                                                          | <b>129 679</b>                                            | <b>1733</b>                                                                 |

## **2.2. Банк технологияларидан фойдаланишдаги долзарб муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари**

Маълумки, бугунги банк фаолиятида молиявий ҳужжатлар айланишида бевосита компьютер технологияларидан фойдаланилиш биринчи навбатда зарур ҳисобланади. Компьютерларни ўзаро боғлиқликда ишлашини таъминлаш мақсадида уларни маълум бир тармоққа улаш амалиёти қўлланилади. Ушбу тармоққа фақат шу банк тизими ва тўловларни амалга ошириш маркази кира олади. Ўз ўзидан тармоқ хавфсизлиги юқори даражада бўлади, чунки бу тармоқдан фақат чекланган миқдордаги тегишли муассасалар махсус тизим орқали фойдаланмоқда. Юқоридаги ҳолатлар фақат банкнинг ички тизими учун тегишли ҳолат эди.

Энди банкнинг мижозлари бевосита ўз ҳисобрақамларини ўзлари бошқараётган жараёнга тўхталсак. Аёнки, масофавий банк хизматларидан фойдаланаётганда мижоз банк ходими амалга ошириши лозим бўлган деярли барча ишни бажаради. Эндиликда, бу мижоздан ҳам маълумотларни тўлиқ ҳамда тўғри киритилишини билишни талаб этади.

Интернет банкингдан фойдаланаётгандаги энг катта муаммолардан бири ҳам биринчи навбатда, мижозларнинг тизимдан фойдаланишда етарли билим ва кўникмаларга эга эмаслиги саналади. Натижада, бу айниқса банк фаолиятида жуда кўплаб муаммоларга сабаб бўлади. Тўловларнинг тегишли бўлмаган жойга ўтиши, кутилмаган ҳолатларда ҳисобдан ўзгалар фойдаланиши қаллобликнинг бир қанча турларини яралишига сабаб бўлган. Шулардан энг хавфлиси фишинг деб юритилади.

*Хавфсизлик тизимининг амалда ишлаши.* Оддий браузердан (Microsoft Internet Explorer) дан фойдаланаётган мижоз банк серверига “Интернет банкинг” тизими орқали киради. Ўз навбатида сервер тегишли тартибда мувофиқлаштирилган сертификатга эга ҳисобланади (масалан, VeriSign) 128-битли калит сессиясидан фойдаланишдаги боғланиш йўли ҳосил қилинади. Сервер мижозда банк томонидан берилган сертификатнинг мавжуд ёки

йўқлигини текширади. Мижоз рўйхатдан ўзи фойдаланиши керак бўлган сертификатни танлайди (у турли ташкилотлардан бир нечта сертификатларга эга бўлиши мумкин) ва PIN-кодни киритади. Сертификатдаги маълумотлар банкдаги мавжуд сақланаётган маълумотлар базаси билан солиштирилади. Муваффақиятли ўтган верификация (аслликига текшириш) ва алоқа каналининг ҳавфсизлиги таъминлангандан кейин идентификатор ва паролни киритиш учун рўйхатдан ўтиш бўлими юкланади. Шифрлаштирилгандан сўнг парол банкнинг маълумотлар базасидаги парол билан солиштирилади. Муваффақиятли ўтган парол тасдиқлангандан кейин мижоз ўз ҳисобрақами ҳақида маълумотларга кира олади. Барча жўнатилаётган пакетлар бир марталик 128-битли калит сессияси орқали кодланади, ҳар бир тўлов ҳаракати бўлса мижоз сертификатида мавжуд электрон имзо билан тасдиқланади. “Интернет-банкнинг” тизимига кириш жараёнида 3 мартадан ортиқ нотўғри маълумотлар (идентификатор ва парол) киритилган ҳолларда тизим автоматик тарзда блок ҳолатига тушади ва уни очинш учун тегишли банк филиали билан бевосита алоқага чиқишга тўғри келади.

**Фишинг** (инглизча *fishing* балиқ ови) интернетдаги қаллобликнинг бир кўриниши бўлиб, унда фойдаланувчиларнинг бевосита махфий маълумотларини логин ҳамда паролларини қўлга киритиш мақсадида амалга ошириладиган турлича фирибгарликлар кўзда тутилади. Фишинг жараёнида фирибгарлар фойдаланувчиларни жалб қилиш учун машҳур брендлар (тўлов тизимлари, банклар, провайдерлар) ни номидан фойдаланган ҳолда кўплаб электрон почта жўнатмаларидан фойдаланган ҳолда асл нусхаси махсус қалбакилаштирилган сайтларга таклиф қилишади. Асосан ушбу хатларда қандайдир ходиса (маълумотлар йўқолганлиги, тизимнинг яхши ишламаётганлиги ва бошқалар) ҳақида ёзилади ва шу орқали фойдаланувчидан махфий маълумотларини киритиши, тасдиқлаши ёки янгилаши сўралади. Шу жараёнда хатда хизматнинг расмий сайтига эмас, балки унинг худди ўзидай нусхасига йўналтирадиган ёзув келтирилади. Ишонувчан фойдаланувчи томонидан “сохта” сайтда киритилган барча

ахборотлар қаллобларнинг қўлига тушади. Бунақа веб узелларни қалбаки дейишади. Улардан бирортасига кириб қолиш ҳолатларида фойдаланувчи ўзи билмаган ҳолатда қаллобларга шахсий маълумотларини очиб қўйиши мумкин. Агар сиз шунчаки йўналиш бўйича сохта сайтга кириб қолган бўлсаям, лекин ўз шахсий маълумотларини киритишга рози бўлмаган тақдирийиздаям, сизнинг компютерингиз вирус билан зарарланган бўлиши мумкин ва натижада клавиатурада босган ҳарфларийизни кўчириб олишни ва асл сайтга киритган маълумотларингизни ўғирлаб фирибгарларга узатиш имкониятлари ҳам мавжуд. Фирибгарларни тузоғига тушмаслик учун барча хабарларни яна бир бор текшириб кўриш ва мустақил равишда банк билан боғланган ҳолда хабарнинг ҳақиқийлигини аниқлаштириш тавсияэтилади.

Турли хил қаллобларнинг банк тизимидаги хизматларда бўлмаслигини таъминлаш мақсадида “Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида” алоҳида қонун белиланган ва унда қуйидаги чора тадбирлар белгилаб қўйилган.

Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотнинг муҳофаза қилинишини ташкил этиш:

- ахборотни муҳофаза қилиш қоидаларини ишлаб чиқиш ҳамда уларга риоя этиш, шунингдек автоматлаштирилган банк тизимида ишлов бериладиган ахборотни муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш;
- сертификатланган техника воситалари ва ахборотни муҳофаза қилиш воситаларидан фойдаланиш;
- автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш;
- автоматлаштирилган банк тизимида ахборот тўплашга доир фаолиятни ва унга ишлов бериш усулларида фойдаланишни мувофиқлаштириш йўли билан амалга оширилади.

Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш хизмати Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ва банкларда

автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этилиши керак.

Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш хизмати:

- ахборотнинг сақланишини таъминлаш устидан назоратни ташкил этади;
- ахборотни муҳофаза қилиш масалаларида услубий ва амалий ёрдам кўрсатади;
- автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тизимини лойиҳалаш, синовдан ўтказиш ва қабул қилиб олишда иштирок этади;
- автоматлаштирилган банк тизимида ахборотдан рухсатсиз фойдаланишга уринишлар бўлганлиги, унга бошқача шаклда аралашилганлиги аниқланганда ҳамда тизимнинг ишлаш қоидалари бузилганда мазкур тизимдаги ахборотни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини кўради;
- ахборотни муҳофаза қилиш чора-тадбирларининг ҳолати ва самарадорлигини таҳлил этади;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда масофавий банк хизматлари каналлари ривожланиши асосий муаммоларини санаб ўтишимиз мумкин:

*1. Республика фуқаролари менталитети.*

Нақдсиз пул ўтказмалари турларининг аҳоли орасида оммалашмаганлиги ва камдан кам қўлланилиши. Маҳаллий аҳоли банклар билан ўзаро операцияларни амалга оширишганида кўпроқ тўғридан тўғри мулоқотни афзал кўришади ва амалга оширилган ҳар бир операция юзасидан тасдиқловчи ҳужжатларни олишга одатланиб қолишган.

*2. Мижозларнинг банкка нисбатан ишончмаслиги, банк хизматларининг*

*аҳоли орасида оммалашмаганлиги ва электрон алоқа каналлари орқали ўтувчи молиявий ахборотларнинг ҳавфсизлик rischi.*

Аҳолининг банкларга бўлган ишончи давлат ташкилотлари томонидан доимий равишда аниқлаб борилади. Ушбу маълумотларга мувофиқ фуқароларнинг банкларга нисбатан ишончи етарли даражада ривожланмаган. Лекин фуқароларнинг кўпчилик қисми ўз жамғармаларини “ёстик остида” сақлашаётгани сир эмас. *Аҳоли даромадлари даражасининг юқори эмаслиги.*

Аҳолининг 15дан 30%гача бўлган қисми ўртачадан паст даромад кўрчаткичига эга, шунингдек 1/3қисм аҳоли банк ҳисобида ортиқча деярли умуман маблағга эга эмас.

### *3. Аҳоли молиявий маданиятининг паст даражада шаклланганлиги.*

Кўпчилик банклар амалиётда мижозларнинг шартнома шартларида кўрсатилган таклифлар ва янгиликларни яхши тушунмасликларини гувоҳи бўлишмоқда. Натижада бир қатор банкларга маҳсулотлар турларини стандарт шартли кўринишгача қисқартиришларига мажбур бўлишди. Масалан, омонатлар ва пластик карталар бўйича ягона тарификацияларнинг барча банклар учун бир хил жорий этилиши бунга яққол мисол.

Россияда молиявий саводхонлик даражасини ошириш мақсадида 2008 йилда Жаҳон банкининг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда мақсадли федерал дастур қабул қилинган. Дастурни амалга ошириш учун 5-9 йил мобайнида 80–100 млн долларлик маблағ ажратилмоқда. Бизнинг мамлакатимизда ҳам шундай чора тадбирлар дастури қўлланилиши кузатилмоқда.

### *5. Аҳолининг техник томондан етарли билимга эга эмаслиги.*

Ҳар бир ўртача банк мижози автоматлаштирилган, техник мосламалардан чўчийди, чунки ҳар бир янги дастурни ўзлаштириш унда бир мунча қийинчиликларни келтириб чиқаради. Шунингдек, банклар доимий равишда ўз маҳсулотлари турларини мураккаблаштириб такомиллаштириб боришади. Масалан, кўпбосқичли IVR менюсига кириш ёки Интернет-банкнинг қийин интерфейси. Шунинг учун фойдаланувчи дастурларни биров соддалаштириш лозим, акс ҳолда банклар “илдамроқ ишлай оладиган”

мижозларнинг ўсиб улғайиши ва келишини кутишларига тўғри келади.

*6. Банклар томонидан мустақил равишда масофавий банк хизматларининг ривожлантиришга нисбатан диққат эътиборнинг камлиги.*

Банклар бошқарувининг масофавий банк хизматларини ривожлантиришдаги асосий камчиликларидан бир шуки, банклар ушбу хизмат турларига нисбатан мижоз учун қулай тўла қийматга эга бўлган хизмат сифатида қараш ўрнига унчалик муҳим аҳамият касб этмайдиган иккинчи даражали хизмат сифатида қарашмоқда. Шунинг билан биргаликда банклар томонидан Интернет-банкнинг ривожланишига мустақил эътиборнинг кузатилмаётганлиги маълум. Юридик шахсларга хизмат кўрсатиш технологиясини аллақачон ўзлаштирган кўпчилик банклар масофавий банк хизматлари техник маҳсулотларини улардан фойдаланишни билмасаларда сотиб олишмоқда. Баъзи тижорат банкларида янги хизмат жорий этилгандан сўнг мижозларни хизматнинг янги имкониятлари ҳақида маълумот берувчи маълумотларни беришмайди. Бундай камчиликларнинг юз беришининг асосий сабаби шуки, ушбу бизнеснинг шаклланишида ва ривожланишида мижозларни қўллаб қувватлаш бутунлигича ахборот технологиялари мутахассисларига юклатилишидир, бу эса нотўғридир. Сўзсиз масаланинг техник томони АТ-мутахассислар томонидан таъминланиши зарур, бироқ мижозларни қўллаб қувватлаш ва улар билан бевосита ишлашда банк ходимлари ўзлари иштирок этишлари лозим. Технологиянинг ўзи муҳим эмас, балки ушбу технологиялар қай кўринишда тақдим этилаётганлиги муҳим.

*7. Қонуний томондан расмий банк хизматларига доир маълум бир қонуннинг йўқлиги.*

Дарҳақиқат бугунги кунга келиб мижозлар сони ортиши инobatга олинган ҳолда, унинг мустаҳкам қонуний пойдеворини яратиш асосий ўринни эгаллаши шубҳасиз.


*8. Вилоятларда коммуникацион инфраструктуранинг яхши ривожланмаганлиги.*

Электрон каналлар кўпчилик чекка ҳудудларда яхши ривожланмаган. Вилоятларда оффлайн-қарорлар фаол қўлланилади. Масофавий банкларнинг тўлиқ барча ҳудудларда амал қилиши учун яхши алоқа каналларини турли чекка ҳудудларгача жорий этиш лозим.

*9. Масофавий банк хизматларини жорий этиш банклар учун қимматлик қилиши.*

Одийгина 1 млн. мижозга мўлжалланган интернет тармоғига уланиш имкони бўлган, телефон ва уяли алоқа операторлари орқали уланиш имконини берувчи масофавий хизмат кўрсатувчи тизим дасури 5 млн. \$ ни ташкил этади. Лекин одатда, банклар камроқ ҳаражатли комплекс смета ҳаражатлари 250 000\$ лик лойиҳаларга буюртма беришади. Ўз махсус дастурларининг яратиш ҳам арзонга тушмайди ва камида 15000-20000\$ лик ҳаражатни талаб этади. Мижоз билан муносабатларни автоматлаштиришдаги тўсиқлар қуйидаги диаграммада кўрсатилган.

*10. Тўловларни қабул қилувчи ташкилотлар, биринчи навбатда коммунал хизматларнинг йирик миқдордаги нақдсиз тўловларни қабул қилишга тайёр эмаслиги, қисман ушбу хизматларнинг банклар билан тегишли келишувларининг йўқлиги.*




**2.2.1-расм. Мижоз билан ўзаро муносабатларни автоматлаштириш йўлидаги тўсиқлар<sup>1</sup>**

<sup>1</sup> Манба: Интернет сайти: [www.rbc.ru](http://www.rbc.ru)

Бу биринчи навбатда иқтисодий сабаблар билан боғлиқ, чунки айнан коммунал тўловларни қабул қилишда банк комиссия ҳақининг операцион ҳаражатларига нисбатан паст ҳисобланади.

Умуман маълум бир натижага эришиш учун энг аввало, мақсадга етишга ишонч бўлиши керак. Банк тизимида янги хизматларни ривожланишига эса миждозлар ишончи ва қолаверса банк ҳодимларини ўзларининг ишончи энг асосий омиллардан биридир. Шуларни ҳисобга олганда яқинда Ўзбекистон Республикаси банк тизимида тижорат банклари молиявий хизматларини такомиллаштириш, янги молиявий хизмат турларини ривожлантириш муаммоларини аниқлаш, ечимини топиш ва истиқболларини белгилаш ҳамда банк хизматларидан фойдаланувчиларига оптимал шароит ва қулайликлар яратиш мақсадида баъзи йирик тижорат банклари мутахассислари ва миждозлари ўртасида Интернет-банкнинг технологияларининг ривожланиш истиқболларига бағишланган социологик маркетинг тадқиқот дастури тузилиб, шу асосда тадқиқот сўрови ўтказилганда, қуйидаги натижалар қўлга киритилди (2.2.2-расм).



**2.2.2 –расм. Интернет - Банкнинг технологиясининг истиқболини қандай баҳолайсиз?**<sup>1</sup>

<sup>1</sup> О.А. Алиқориев “Интернет-банкнинг – Инновацион Банк Хизмати”, “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнал, №1, сентябр, 2011йил.

Сўровда беш юз нафар банк мутахассислари ва мижозлари қатнашди. Социологик таҳлил маркетинг тадқиқотлари анкета, интервью, суҳбатлашиш, ҳамда фокус-гурӯх усулларида ўтказилди.

Ушбу маълумотлардан ҳам кузатишимиз мумкин, Ўзбекистонда СМС-банкнинг, Интернет-банкнинг, Мобил-банкнинг каби алоқа коммуникация воситалари орқали амалга ошириладиган банк хизматлари дунёнинг исталган давлатидагидан кўра кенгроқлигини кўришимиз мумкин.

***Интернет-банкнинг тизимининг афзалликлари:***

- Дунёнинг исталган нуқтасидан туриб дастурдан фойдаланиш мумкин - интернетга уланган компьютер бўлса етарли;
- Интернет-банкнингдан кечаю кундуз - 24 соат, ҳафтанинг исталган 7 кунда, йилнинг 365 кунда фойдаланиш мумкин;
- Барча операциялар реал вақт режимида амалга оширилганлиги туфайли тизим юқори тезликда ишлайди;
- Уланиш ва тизимдан фойдаланишнинг содда ва оддийлиги;
- Тўловларни амалга оширишда тизимнинг барча маълумотларни синчковлик билан текшириб кўриши хатоларни минимал даражага келтиради;
- Банк-Мижоз дастурига нисбатан Интернет-банкнинг тизимларидан фойдаланиш мижоз учун анча арзон ва тежамли;
- Интернет-банкнингда мижоз ўз компютерида ҳеч қандай электрон база маълумотларини сақлаши шарт эмас. Фақатгина интернетга уланган исталган компютердан банкнинг интернетдаги серверига кириб ўзига берилган парол ва ПИНини киритган ҳолда ўзининг банкдаги ҳисоб рақамига кириши мумкин.
- Интернет-банкнингда хавфсизликни таъминлаш мақсадида иқтисодий маълумотларни ҳимоя қилишнинг турли хил усуллари қўлланилади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда тижорат банклари Интернет банкнинг хизматининг навбатдаги устунликларини кўрсатиш мумкин:

### 1. Чиқимларни иқтисод қилиш ҳамда ҳаражатларни оптимизациялаш:

- Махсус ўрнатилган Интернет банкинг ягона тизими орқали мижозларнинг (бош банк сингари барча филиалларнинг ҳам) консолидация қилиниши (умумлаштирилиши), биламизки, асбоб ускуналар ҳаражатларининг камайиши, Дастурий таъминот тизими, IP-хавфсизлик воситалари, Интернетга каналлар, маъмурият ва техник хизмат кўрсатишига олиб келади;

- Чакана банк хизматлари операциялари таннарҳининг 5-10 баравар қисқартирилиши: транзакцион ҳаражатларнинг бўлим орқали амалга оширилиши ўртача 3-4 бирликни (шартли равишда) ташқил қилса, онлайн режимда 0,5 бирликдан ошмайди,

- Нақд пул воситалари инкассацияси, сақланиши, қўриқланиши, бино ижараси билан боғлиқ ҳаражатларнинг қисқартирилиши ёки бошқача айтганда умуман йўқ бўлиши;

- Банклар томонидан ўтказилаётган тўловлардан маҳаллий провайдерларнинг фойдасига ҳар бир транзакцияда ҳажмининг 2 - 3% миқдорида бадал олиниши;

- Ички ҳамда учинчи шахс номига ўтказилаётган пул ўтказмалари, тизимга уланиш ва ҳисобни актив ҳолда ушлаб туриш, бир марталик калит карталарини чиқариш билан боғлиқ коммиссион даромадларнинг ортиши;

- Ижрочи ходим томонидан сарфланадиган вақтнинг қисқартирилиши. Ижрочи томонидан 8 дақиқада тўлдириладиган ҳужжат ўрнига Интернет-банкнинг тизими орқали 1 дақиқада тўлдириш имкони мавжуд.

2. Интернет-банкнинг фойдаланувчилари сонининг ўсиши банк мижозлари ҳисобрақамларидаги ўртача қолдиқларнинг ортишига олиб келади. Худди мижозларга ойлик иш ҳақи олиниши билан оқ ўз пластик карталари ҳисобини дарҳол “ноллаштириш”ни хоҳламайди, чунки у билан етарли даражада оператив шаклда кегусида жорий тўловларни амалга ошириш имконига эга бўлгани сингари.

### 3. Онлайн фойдаланувчилар “анъанавий” мижозларга нисбатан содиқрок

саналади, чунки бир марта аниқ бир масофавий хизмат билан танишган мижоз (агар унга ёккан бўлса), келгусида рақобатдош хизматга ўтиб кетиши деярли мумкин эмас.

4. Ёш ва тез ривожланаётган банклар учун бу хизмат тури ҳали тармоқлашиб улгурмаган филиалларсиз ҳам мижозларга хизмат кўрсатиш имконига эга бўлади ҳамда шу йўл билан ҳам мижозлар базасини ҳам кўрсатилаётган хизматлар сонини ошириш мумкин бўлади..

***Интернет-банкнинг банк мижозларига яратилган имкониятлар:***

1. Узлуксиз равишда эртаю кеч ҳисоблар билан ишлаш имкони;

2. Тўла автоматлаштирилган, стандарт операциялар (хизмат тўловларини қабул қилувчининг қўшимча параметрларини киритишнинг ҳожати йўқлиги, масалан, алоқа хизмати учун фақат телефон номери ҳамда суммаси киритилади холос).

3. Вақтни тежаш, навбатда туриш ҳолатларининг бўлмаслиги, фойдаланувчиларнинг тез-тез муроат этувчи банк ахборот хизмати марказларига сўровларига жавоб бериш учун кетадиган вақтларнинг иқтисод қилиниши (операциялар гуруҳларга ажратилган, аниқ ва содда интерфейс, ноаниқликларга йўл қўймайдиган ҳолатда ишлаш);

4. Банк карточкалари билан операцияларнинг кузатишнинг қулайлиги (активлаштириш вақтидан бошлаб барча тўловлар тўлиқ тарихи, режалаштирилаётган транзакциялар рўйхати, савдо нуқталари ва банкоматлар ҳақида маълумот) ҳар қандай ҳарид шу заҳотиёқ ҳисобдан кўчирмада акс этади, бу эса мижоз томонидан назорат даражасини ошишига имкон яратади;

5. Масофавий чегараланишнинг йўқлиги, интернетга уланиш имкони бўлган дунёнинг ҳар қандай нуқтасидан туриб ҳар қандай компьютерда операцияларни амалга ошириш мумкинлиги.

6. Тўловнинг қиммат эмаслиги: интернет-хизматига уланишнинг бепул эканлиги. Баъзи ҳолларда банклар уланиш воситалари (USB-калит, алмашинувчи кодлар картаси) учун тўлов ундиришади мумкин, бироқ

уларнинг нарҳи қиммат эмас. Абонент тўлови ёки мавжуд эмас, ёки кам миқдордаги нарҳда бўлади. Баъзи хизматларга (коммунал тўловлар, алоқа хизмати) нисбатан комиссия ундирилмаслиги ҳам мумкин.

7. Интернет дўконларда хизматлардан фойдаланиш имконияти Ўзбекистонда ҳам, хорижда ҳам хавфсизлик даражаси таъминланган ҳисобланади, Интернет-банкнинг тизими ёрдамида талаб қилинаётган воситалар суммасини карточкага ўтказиш ва сўнгра ушбу карточкадан интернет дўқонидаги ҳар қандай товар ёки хизмат учун тўлов тўлаш кифоя.

#### 8. Операциялар хавфсизлиги:

Хавфсизлик тизими умумий олганда бир қанча таркибий қисмлардан иборат:

1) аутентификация ва авторизация (тизим фойдаланувчисининг бирор операцияни амалга оширишда ҳақиқатда ўзи эканлигини тасдиқлаш, операцияни амалга оширишда фойдаланувчи ҳуқуқини текшириш)

2) узатилаётган маълумотларни шифрлаш;

3) ЭРИ ёки бошқа ўхшаш хусусий имзодан фойдаланиш фойдаланиш (аниқ бир фойдаланувчи томонидан амалга оширилаётган ҳаракатларнинг, жумладан маълумотлар бутунлиги сақланиши ва транзакциялар муаллифлиги тасдиқланиши);

4) барча транзакцияларнинг банк ва аудит махсус журналларида рўйхатга олиниши;


Мижознинг шахсий саҳифасига кириш уникал идентификатор ва парол билан ҳимояланган, on-line – хизматларга уланиш аризаси расмийлаштирилгандан кейин қўшимча пароль (PIN2) ва фақат мижозга маълум бўлган кодли ибора тасдиқланиб тақдим этилади.

Барча маблағларнинг яхши сақланиши биринчи навбатда банклар учун муҳимдир, чунки улар нафақат ўз мижозлари молиявий воситалари бутлиги учун жавобгар балки ўз маблағлари ва репутациясини сақлаш зарур ҳисобланади.

## 2.3. Замонавий банк технологияларидан фойдаланишнинг хориж тажрибаси

Маълумки, ривожланган мамлатлар банк тизимида ахборот технологияларининг қўлланилиши анча юқори суъратларда ривожланиб бормокда. Ўз ўзидан ушбу ҳолат банк амалиётида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш усулларини такомиллаштирилишига ҳам сабаб бўлади.

Статистик маълумотларга кўра дунё бўйлаб 423,5 млн. киши онлайн интернет банкингдан фойдаланишади, бу эса барча интернет фойдаланувчиларнинг 28,7% дан ортик.



2.3.1-расм. Дунё бўйлаб онлайн интернет банкинг фойдаланувчилар сони (%).<sup>1</sup>

Инсон, ер шарининг кайси нуқтасида яшашидан катъий назар, ўзи хоҳлаган вақтда, йилига 365 кун, Интернет-банкнинг орқали банк билан боғлиқ бўлган кўпгина операцияларни амалга ошириши мумкин: банк ва

<sup>1</sup> Манба. Интернет сайти: <http://www.comscoredatamine.com/2012/06/1-in-4-internet-users-access-banking-sites-globally/>

банклараро нақдсиз ўтказмаларни бажариши, ҳисоб рақамлар очиши, коммунал тўловларни амалга ошириши, валютани сотиши ва сотиб олиши, бўш маблағларни керакли соҳаларга тақсимлаши ва бошқа бир канча хизматларни амалга ошириши мумкин. Масалан, интернет орқали Россиянинг Москва банки орқали йўл чекига буюртма бериш, Ситибанк орқали эса кредит бўйича тўловлар графикани олиш мумкин. Шунингдек бунда, ишдан бўш вақт орттириб банкка бориш, навбатда туриш ва тўлов коғозларини қўлда тўлдириш шарт эмас. Лекин турли банкларда интернет-хизматлари турличадир.

Ушбу виртуал банкларнинг илк кўринишлари АҚШда пайдо бўланлиги туфайли бугунги кунга келиб АҚШда ушбу банкларнинг жуда кўплаб турлари мавжуд, улар АҚШ банк тизимида ўзига хос ўринни эгаллайдилар.

Интернет-банкинг хизмати яхши ривожланиши банклар фаолиятига жуда ҳам ижобий таъсир қилдики, эндиликда тижорат банклари ходимларидан фақатгина талаб қилинадиган нарсга кўпроқ виртуал тўловларни назорат қилиш бўлиб қолди ҳолос. Ҳаражатларни қисқартириш ва даромадларни оптималлаштириш мақсадида кейинчалик янги виртуал банкларни ташкил қилиш таклифи берилди. Виртуал банклар ўз номи билан фақат интернет тармоғида мавжуд бўлиб, тўловларни барчасини интернет орқали қабул қилиб ўтказувчи жисмоний жиҳатдан мавжуд бўлмаган (офисига эга бўлмаган) тижорат банклари саналади. Унда барча амалга оширилаётган банк амалиётлари махсус дастур асосида назорат қилиб борилади ва тегишли малакали мутахассислар томонидан кузатиб борилади.

Виртуал банклар ривожланиши билан бир қаторда йирик молиявий корхоналар ҳамда банклар ҳам илк маротаба ўз мижозларига электрон каналлар орқали хизмат кўрсатишнинг янги шакллари таклиф эта бошладилар. Энг машҳур хорижий банклар қуйидаги 2.4-жадвалда кўрсатилган:

### 2.3.1 – жадвал

#### АҚШдаги асосий виртуал банклар рўйхати<sup>1</sup>

| №   | Виртуал банкнинг номи       | Пайдо бўлган йили |
|-----|-----------------------------|-------------------|
| 1.  | BankDirect                  | 1999              |
| 2.  | CompuBank                   | 1998              |
| 3.  | DeepGreen Bank              | 2000              |
| 4.  | directbanking.com           | 1999              |
| 5.  | E*TRADE Bank                | 1997              |
| 6.  | ebank                       | 1999              |
| 7.  | everbank.com                | 1999              |
| 8.  | First Internet Bank         | 1999              |
| 9.  | First-E                     | 2000              |
| 10. | giantbank.com               | 2000              |
| 11. | JustBankIt.com              | 2000              |
| 12. | Lighthousebank.com          | 2000              |
| 13. | Millenium Bank              | 1999              |
| 14. | Moneywise-bank.com          | 2000              |
| 15. | MyBankUSA                   | 2000              |
| 16. | National InterBank          | 1999              |
| 17. | nBank                       | 1996              |
| 18. | NetBank                     | 1996              |
| 19. | Nexity Bank                 | 2000              |
| 20. | Presidential Online Bank    | 2000              |
| 21. | Security First Network Bank | 1995              |
| 22. | Umbrella Bank               | 2000              |
| 23. | USAccess Bank               | 1999              |
| 24. | Virtual Bank                | 2000              |
| 25. | WingspanBank                | 1999              |
| 26. | X.com                       | 1999              |

<sup>1</sup> Манба: Жадвал интернет маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

## 2.3.2 – жадвал

### Интернет-банкнинг хизматини ўз фаолиятида дастлаб жорий этган хорижий банклар<sup>1</sup>

| Мамлакатлар            | «Виртуал» банклар                                                               | Ўз фаолиятида масофавий каналлардан фойдаланувчи йирик банклар                       |
|------------------------|---------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------|
| <b>АҚШ</b>             | Telebanc, Net.B@nk, X Bank, Wingspanbank, First Internet Bank of Indiana        | Bank of America, Wells Fargo, Citigroup, Bank One, First Union                       |
| <b>Европа</b>          | Egg Bank, Smile Advance Bank, Bank Girotel, Comdirect, Diba, First-e, Santander | HSBC, ING (ING Direct), Barclays, Deutsche Bank, Credit Suisse, Lloyds TSB, Rabobank |
| <b>Осиё</b>            | OUB, Dah Sing, State Bank of India                                              | ICICI, HDFC, Citibank, HSBC                                                          |
| <b>Латин Америкаси</b> | Banco 1                                                                         | Banco de Crédito e Inversiones (BCI), Banco Bilbao Vizcaya (BBV)                     |

Бугунги кунда МДХ мамлакатлари орасида Интернет-банкнинг асосий 3 хил кўриниши амал қилади:

- *Информацион даражада-банк* маълум доирада банк товар ва хизматлари ҳақида маълумотлар беради. Бу банк ички хизматларига аралашмаганлиги учун рисклилиқ даражаси унчалик юқори эмас. Ушбу даража банкнинг ўзи томонидан таъминланиши ёки ташқи бирор ташкилотга юклатилиши мумкин, шунинг учун банк сервери ёки веб сайтига рухсат этилмаган ўзгаришларни амалга оширилишларни чеклаш мақсадида назорат жараёнини киритиш зарур.

- *Интернет-банкнинг коммуникацион кўриниши*, банк ва мижоз ҳаракати билан боғлиқ. Бунда ҳисоб рақам очиш, кредит олишга ариза (заявкой на кредит) бериш ёки статистик маълумотларини янгилаши (исмини ёки манзилни ўзгартириши шулар жумласидандир) ёки электрон почта орқали алоқа билан чегараланиши мумкин. Бу орқали банк ички серверига

<sup>1</sup>Манба: Интернет сайти: [www.bankir.ru](http://www.bankir.ru)

уланиш мумкин, шунинг учун ҳам бу тури юқоридаги турига нисбатан рисклилик даражаси юқоридир. Банк ички компютер тизими ва тармоғига боғланаётган жараёнига назорат қилиб бориш керак.

- *Интернет-банкнинг транзакцион кўриниши*, мижозларга транзакцияларни амалга ошириш имкониятини беради. Маълумки, сервер ва банк ички тизими орасидаги боғлиқликда рисклилик мавжуд ва назорат қилиб борилиши керак. Мижозлар транзакцион кўриниши орқали, ҳисоб рақамига кириш имкони учун рухсат олишлари, ҳисобларини тўлдиришлари, товарларни (маблағлар ўтказмалари) бир жойдан иккинчи жойга ўтказишлари мумкин ва бошқалар.

Хар бир тизимда муаммо мавжуд бўлиб, Интернет-банкнинг ҳам муаммо етарличадир. Бу муаммоларни, банк ичида ҳамда интернет билан боғланишда ҳам қўришимиз мумкин. Улар орасида бошқарув билан боғлиқ, молиявий, технологик, юридик, ходимлар билан боғлиқ бўлган ва ҳатто психологик муаммоларни қўришимиз мумкин.

Дунё бўйлаб 500дан ортиқ банклар тўлиқ ҳажмдаги интернет-хизматини таклиф этишмоқда, улар электрон пуллар айланиши ҳамда виртуал товар айирбошлашни таъминлашади. Интернет глобал тармоғидан фойдаланувчилар сонининг ортиб бораётгани Ғарбнинг ривожланган мамлакатларида ушбу янги банк хизматларидан фойдаланувчилар сони мамлакатлар умумий аҳолисининг 55-60% ни ташкил этаётгани кузатилмоқда. Машҳур аналитик ҳамда рейтинг компанияси бўлмиш Fitch IBCA компаниясининг ҳисоботларига кўра Европа йирик банкларининг Интернет-банкнингдан фойдаланувчи мижозлари миқдори 500 минг киши ёки 10% ни ташкил этиши бундан бир неча йил олдин қайд этилган.

Таҳлилчиларнинг баҳолашига кўра, жаҳонда масофадан банк хизмати кўрсатиш хизматларидан фойдаланувчи банк мижозларининг сони 2008 йилда 200 млн. кишидан ошди. Жаҳон банкининг маълумотига кўра, бу рақам 2010 йилда 300 млн.га етди ва иқтисодий ривожланган мамлакатларда хизматларнинг сингиш даражаси 90 фоиздан юқори бўлди.

Онлайн-банкнинг бўйича Америка банк мутахассислари ўзаро ҳамфикр эмаслар. 39 фоиз банкирлар интернетни мижозлар билан ишлашнинг бошқа канали сифатида, 34 фоиз эса бу инқилобий қурол бўлиб, бозорда муомала концепциясини ўзгартирувчи деб ҳисоблайдилар

US Synergistics Research экспертларининг таҳлилига кўра, ҳозирги пайтда АҚШда Интернет-банкнинг хизматини амалий жиҳатдан барча йирик банклар, жумладан, Citicorp, Bank of America, Wells Fargo, Bank One, First Union банклари кўрсатади. АҚШда Интернет-банкнинг хизматидан фойдаланувчи банк мижозларининг сони 80 млн.дан ортиқ.

Berg Insight тадқиқотчи компаниясининг маълумотларига кўра, Европада Интернет-банкнинг хизматидан фойдаланувчи банк мижозларининг сони 2008 йилда 100 млн.дан ортиқ бўлган ва 2014 йилга бориб бу кўрсаткич 110 млн.дан ошиши кутилмоқда. Европада ипотека банклари ва турли депозит институтлари томонидан ташкил этилган «соф» интернет-банклар, масалан, Egg, Smile, Firste, Abbey National банклари бўлса, интернет орқали хизмат кўрсатишда кучли рақобат мавқеига эга анъанавий банклар сифатида Barclays, HSBC, Lloyds TSB банкларини кўрсатиш мумкин. Deutsche Bank таҳлилчиларининг башоратига кўра, 2020 йилга бориб Европа континентининг 50-60 фоиз яшовчиси онлайн тўловларни амалга оширади. Бугунги кунда ушбу кўрсаткичларга аллақачон Швеция, Дания ва бошқа бир қатор Европа мамлакатлари яқинлашиб бўлди

Сўнгги пайтларда МДХ мамлакатлари орасида Россия Федерациясида Интернет-банкнинг янада кўпроқ тарқалмоқда. Ҳозирги кунда Россия Федерациясида Интернет-банкнингдан фойдаланувчи банк мижозларининг сони 1,2-1,5 млн. кишини ташкил қилиб, шундан 90 фоизи жисмоний шахслардир.

2008 йил якунларига кўра, фойдаланувчи банк мижозларининг сони икки бараварга ўсди, уларнинг кўпчилиги ривожланган масофавий хизмат кўрсатиш тизимига эга йирик банкларга тўғри келади.

AnalyticResearchGroup экспертларининг таҳлилига кўра, Россия бозорининг яқин йилларда ўсиш суръатлари йилига 100 фоиздан кам бўлмайди. Бозорнинг қатъий ўсиши асосан масофавий хизматларнинг ривожланиши ва банк маҳсулотларининг аҳоли ўртасида тарқалиши каби омилларга боғлиқ бўлади. 2010 йил охирига келиб Интернет-банкнингдан фойдаланувчи банк мижозларининг сони 3-4 млн. кишига етган. Ҳозирги кунда Россия банклари масофадан банк хизмати кўрсатиш тизимлари функционаллигини кенгайтириш соҳасида фаол ишлашмоқда, бозорнинг янги сегментларига чиқишмоқда, лекин тадқиқотлар кўрсатишича, бу банк хизматларининг кўрсатилиши билан фақатгина айрим банклар фаол шуғулланмоқда. Улар орасида ВТБ 24, Альфа-банк, Росбанк, Сбербанк каби банкларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

U.S. bank (АҚШ), HSBC (АҚШ), BBL WebBank (Бельгия, Европа), CERA Bank (Бельгия, Европа), Co-operative Bank (Буюк Британия, Европа), Comdirect (Германия, Европа), First Direct (Буюк Британия, Европа), Latvian Capital Bank (Латвия, Европа), SGZ-Bank AG (Германия, Европа), Zuercher Kantonalbank (Швейцария, Европа) ва бошқа бир қатор банклар фаолиятидаги Интернет-банкнинг тизими ишлаши жараёнини намуна сифатида ўрганишимиз мумкин. Унда юқорида қайд этилган барча банкларнинг алоҳида махсус ўзларининг мустақил дастурлари асосида мослаштирилган қулай ва содда интерфейс ва фойдаланиш афзалликларига эга бўлган веб сайтларини ҳам кузатишимиз мумкин.

Мижозларга таклиф этилаётган Интернет-банкнинг хизматларидан фойдаланишда, айниқса кириш қисмида хавфсизлик масаласига жуда юқори эътибор қаратишларини гувоҳи бўламиз. Хавфсизликни таъминлаш мақсадида бир марталик пароллардан фойдаланиш усули кенг йўлга қўйилган. Бунда турли хил алоқа воситаларидан фойдаланиш мумкин. Масалан айрим банклар қўл телефонларини таклиф этишса, бошқалари махсус паролни тасдиқловчи курилмалардан фойдаланишни йўлга қўйишган.

Юқорида келтирилган ҳавфсизлик воситаси қурилмаси мижозларнинг ўз ҳисобрақамларидан фойдаланишда жуда юқори даражада ҳавфсизликни таъминлайди. Унда ишлаш учун ҳавфсизлик воситаси турига қараб ёки махсус флеш картасига ўхшаш қурилма ёки пластик карта кўринишидаги махсус карталар зарур бўлади.

Унда мижоз банк билан бевосита боғланган ҳолатда ушбу воситалардан фойдаланган ҳолда маълумотларни тўғри шифрланиши ва ҳавфсизлик юзасидан киритилган пароллар хилма хиллигини таъминлаган ҳолда мижозга қулай равишда ўз ҳисоб рақамига кириш имконини яратади.

Агар пароллар нотўғри теририлиши ёки қурилмадан нотўғри фойдаланиш ҳолатларида мижознинг ҳисобрақамига кириш автоматик тарзда ёпилади ва мижознинг ўзи билан боғланиш натижасида яна қайта очилади. Интернетда турли хил қаллобликларни олдини олиш мақсадида бундан ташқари мижозларни бевосита бармоқ излари идентификацияси ёки юз кўринишлари текширувини амалга ошириш тизимларини таклиф этувчи банклар ҳам мавжуд.

Албатта юқоридаги барча чора тадбирлар мижозларнинг шу хизматга нисбатан ишончларини ошириш ва ҳотиржам ишлашларини таъминлаш мақсадида амалга оширилгандир.

Бизнинг мамлакатимизда ҳам бугунги кунда бу тизим ҳавфсизлигида электрон шаклда тасдиқлаш учун флеш карта кўринишидаги махсус ускуналардан фойдаланилади ва мижозлар ундан ўз ҳисобрақамларига киришда ва тўловларни ўтказишни тасдиқлашда фойдаланишади

## **2-боб бўйича хулоса**

Дарҳақиқат масофавий банк хизматлари орасидан Интернет-банкнингнинг энг истиқболли йўналишлардан бири эканлиги юқоридаги бобда яхши ёритиб берилди. Зероки, бугунги кунга келиб мамлакатимиз барча тижорат банклари ўзаро рақобат олиб боришда ҳам ушбу хизмат турининг нақадар устунлик томонлари бор эканлигини гувоҳи бўлишмоқда.

Шу жиҳатдан, тўловларни нақд пулсиз амалга оширишнинг инновацион шаклларига бўлган эҳтиёж мутассил ортиб бормоқда. Тадбиркорлик субъектлари тежамли, кам вақт ва ҳаракат сарфлаган, юқори ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда молиявий операцияларни амалга ошириш, маълумот олишга кўпроқ иштиёқ билдирмоқда. Мана шу эҳтиёжни инобатга олиб, тижорат банклари масофавий банк хизматлари кўрсатиш кўламини кенгайтиришга, бунда глобал Интернет тармоғи имкониятларидан самарали фойдаланиш чораларини кўриб бормоқдалар.

Айтиб ўтиш ўринлики, айтиб ўтиш йўналиш жаҳон банк тизими ва унинг ажралмас таркибий қисми бўлган миллий банк тизимининг устивор йўналишларидан бирига айланди.

Банклар Интернет имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадида янги чакана хизматларни тақдим этиб, мижозларга қатор қулайликлар яратмоқда. Ҳозирги пайтда мамлакатимизнинг барча банклари Интернет-банкнинг дастури имкониятларини тўлиқ сафарбар этиш чораларини кўрмоқдалар.

Айтиб ўтиш ўринлики, айтиб ўтиш йўналиш жаҳон банк тизими ва унинг ажралмас таркибий қисми бўлган миллий банк тизимининг устивор йўналишларидан бирига айланди.

2-боб асосий қисмида ёритиб берилганидек тижорат банкларимиз томонидан фаол қўлланила бошлаган Интернет-банкнинг хизмати вақт ўтган сари оммалашиб бормоқда ва унинг устида турли хил изланишлар олиб борилиши, хулоса ўрнида нақадар зарур аҳамият касб этган ҳолда бизнинг банк тизимимиз учун муҳим эканлигини ва келажакдаги самараси беқиёс эканлигини таъкидлаш ўринли.

### **3-БОБ. МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ЗАМОНАВИЙ БАНК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

#### **3.1. Ривожланган давлатлар замонавий банк технологияларининг республикамиз банкларида қўллашнинг устивор масалалари**

Маълумки, иқтисодиётда ҳисоб-китоблар механизмининг яхши йўлга қўйилиши ва унинг аниқ фаолият юритиши - барча ривожланган давлатлар тараққиётининг асосий пойдевори ҳисобланади. Ҳар қандай давлатнинг иқтисодий қудратини юқори самарага эга бўлган пул тизими ва замонавий тўлов механизмларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу билан бирга, давлат ҳар қандай тўловларнинг банклар орқали амалга оширилиши, яъни нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтириб боришдан доимий манфаатдор ҳисобланади.

Илмий тадқиқот ишнинг биринчи бобида таъкидлаб ўтганимиздек пластик карточкаларни ривожланиши иқтисодиётимизни ривожланишига, жумладан пулнинг банкдан ташқари айланмасини қисқартиришга, пулнинг айланиш тезлигини мақбул доирада бўлишига, пул массасига хизмат кўрсатиш харажатларини камайшига, аҳолини банк билан ишлашини такомиллаштиришга ва бошқа бир қатор ижобий факторларни ривожланишига олиб келади.

Пластик карталар бор экан, уларга хизмат кўрсатадиган дастурий таъминотлар, терминаллар ва банкоматлар билан таъминланган бўлиши зарур. Аммо юртимизда 11 млн. ошиқ банк пластик картаси чиқарилган бўлса, шуларга хизмат кўрсатувчи атиги 1733 дона банкомат ва инфокиосklar мавжуд. Бу эса ҳар бир банкомат ва инфокиосklar хиссасига 6 мингдан кўп банк карталари тўғри келишидан далолат беради.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> ЎзР Марказий банки расмий сайти: [http://cbu.uz/uzc/section/payment\\_system/indicators](http://cbu.uz/uzc/section/payment_system/indicators)

Шу нуқтаи назаридан ривожланган давлатлар мисолдан келиб чиқиб мобил банкинг тизимини республикамиз тижорат банларида кенг қўллашимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Маълумот ўрнида шуни таъкидлаб ўтишимиз керакки, дунёда ҳозир 1 млрд. дан ортиқ “Android” номли мобил операцион тизим фойдаланувчилари ва 600 млн. дан ортиқ “iOS Apple” номли мобил операцион тизим фойдаланувчилари мавжуд.<sup>1</sup> Ваҳоланки мобил операцион тизим фойдаланувчиларини биз шахсий банкомат ва инфокиоск эгалари дейишимиз мумкин. Чунки ушбу мобил операцион тизими фойдаланувчилари ўз телефонлари ёрдамида банкомат қиладиган барча операцияларни амалга ошира олади.




### **3.1.1-расм. Android ва iOS логотиплари.**

Юқоридаги мобил операцион тизимларда ишлайдиган, кўплаб банклармизда қўлланиётган, 10000 дан ортиқ мижозга эга бўлган, 2011 ташкил топган “CLICK” МЧЖ ишлаб чиққан мобил банкинг тизимига озгина таъриф бериб ўтсак.

"CLICK" тизими – бу мобил банкинг тизими бўлиб, жисмоний шахсларга мобил телефон орқали (USSD\SMS-портал ёрдамида) ёки Интернет орқали (Web\Web-mobile воситасида) уяли алоқа операторлари, интернет-провайдерлар хизматлари учун тўловларни амалга ошириш; бошқа жимсоний шахсларга, савдо-сервис корхоналарига (супермаркет, ресторан ва кинотеатрларда тўловлар) пул маблағларини ўтказиш; бевосита ўз банк ҳисобларидан интернет-магазинлардан онлайн-харидларни амалга ошириш имкониятини беради.

---

<sup>1</sup> Манба: Интернет сайти. <http://app2top.ru/main/сколько-в-мире-устройств-на-android-ios-и-windows-phone-30263.html>



### 3.1.2-расм. “CLICK” тизимининг мобил телефондаги кўриниши.

"CLICK" тизими орқали тўловларни икки ҳил усул билан амалга ошириш мумкин: биринчиси Интернет-сайт орқали, иккинчиси эса депозит ҳисоб ёки пластик карта ҳисоби билан боғланган мобил телефондан USSD-сўровнома ёрдамида.

(<https://my.click.uz>, <https://m.click.uz>) Интернет-сайт орқали тўлов бевосита ҳисобдан онлайн режимда керакли маҳсулот ва хизматларни танлаш йўли билан амалга оширилади;

Мобил телефон орқали тўлов (\*880# қисқа рақамига) USSD-сўров ёрдамида амалга оширилади. Мазкур технология тўловларни исталган жойда ва вақтда яқин атрофда интернет бор-йўқлигидан қатъий назар амалга ошириш имкониятини беради.

"CLICK" тизими негизида бутун жаҳон Интернет тизими ишида кенг қўлланиладиган Web-технология, ҳамда мобил алоқа хизматларини тақдим этишда фойдаланиладиган SMS ва USSD технологиялари ётади. Танланган иш технологияси фойдаланувчини Тизим билан ишлашда мураккаб функцияларни ўрганишга мажбур қилмайди, USSD-сўровлар аҳоли ўртасида кенг фойдаланилмоқда ва мобил телефонларга махсус дастурларни

ўрнатишни талаб этмайди. Мазкур технология барча мобил телефонларда, уларнинг русуми ва туридан қатъий назар қўлланилади.

"CLICK" тизимининг асосий имкониятлари:

- Тўловларни мобил телефон ёки Интернет орқали бевосита жисмоний шахсларнинг банк ҳисобларидан нақд пул маблағларидан фойдаланмасдан амалга ошириш;
- USSD/SMS/WEB – портал ёрдамида тақдим қилинган ҳисобларни бошқариш;
- CLICK тизимининг бошқа фойдаланувчиларига пул маблағларини ўтказиш;
- Ҳисобдан ҳисобга пул маблағларини ўтказиш;
- Балансни доимий равишда ишчи ҳолатда ушлаб турувчи, «Автотўлов» хизматини активлаштириш имконияти;
- Тўловлар тарихини кўриш;
- Банк ҳисобларини онлайн тартибда текшириш;
- Ҳисоб реквизитларини олиш;
- Банк ҳисоблари бўйича SMS-хабарномалар;
- CLICK – ҳисобдан кредитни тўлаш ва кўпгина бошқа имкониятлар.

CLICK платформаси - Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг пластик карточкаларига очилган банк ҳисобларини бошқариш учун хизмат қилади. Мазкур платформа ёрдамида фойдаланувчилар банкка ташриф буюрмасдан бир нечта банк ҳисобларини бошқариш, тўловларни амалга ошириш имкониятига эга бўладилар.

Энди пластик картага ўз маблағингизни тушириб олиш ёки балансни кўриб олиш учун инфокиосklar олдида вақт кетказиш шарт эмас. «CLICK» платформасидан фойдаланиш исталган жойда ва вақтда нақд пулни ва пластик картани ишлатмай тўловларни амалга ошириш, шунингдек банк

ҳисоб рақамидаги қолдиқни текшириш имкониятини беради. Бунинг учун фақатгина мобил телефон бўлиши керак, холос.

"CLICK" тизимининг асосий афзалликлари қуйидагилар:

**Осонлик** (Фойдаланиш осонлиги (чекланмаганлиги). USSD-сўровларни интернетсиз ва балансда пул бўлмаган тақдирда ҳам юбориш имконияти борлиги сабабли, фойдаланувчилар исталган вақтда ўз банк ҳисобларидан тўловни амалга оширишлари мумкин, телефонда пул бўлмай, блокировка қилинган тақдирда ҳам. Бунда тизимдан фойдаланиш учун телефонга ҳеч қандай дастур ўрнатишга ҳожат йўқ: USSD-сўровларни исталган мобил телефондан жўнатиш мумкин.

**Яқинлик.** Банк филиалларига бормай, яқин орадан инфокиоск борлигини қидирмай, ёки операторлар тўлов қабул қилиш шаҳобчаларини ва тўлов тизимларини қаердалигини ўйламай балансни тўлдириш, банк ҳисобини бошқариш имконияти. Тўловларни уйдан чиқмай амалга ошириш. Яхлит тўлов тизими ҳар бир абонентнинг чўнтагида.

**Қулайлик.** Тизимга уланиш учун банкларда махсус ҳисоб рақамлари очиш ва бошқа қандайдир ҳисобларда маблағларни депозитга қўйиш (депонирование) талаб қилинмайди. Бизнинг тизимимиз жисмоний шахснинг исталган мавжуд ҳисобига ўз рақамини боғлаш имкониятини беради.

Бундан ташқари ушбу мобил банкинг хизматида ўхшаган тизимни тижорат банклармиз ҳам жорий қилишган. Хусусан, ОАТБ “Алқабанк”, ОАТБ “Ҳамкорбанк” ва ОАТБ “Туронбанк” каби тижорат банкларида мобил банкинг тизими мавжуд.



**3.1.3-расм. Баъзи тижорат банклари мобил банкинг логотиплари**



Информацион технологиялар кундалик ҳаётимизни сезиларли даражада осонлаштиради. Бу, айниқса, сотиб олинаётган маҳсулот ва хизматларнинг нархини ҳисоблаш жараёни максимал даражада автоматлаштирилгани ҳисобидан кассалардаги навбатнинг қисқаришидан сезилади. Чекда маҳсулот нархи ва бошқа маълумотлари билан кўриниши учун махсус сканнерга маҳсулотнинг штрих-код кўрсатилган қисмини яқинлаштириш кифоядир. Оддий мобил телефон ёрдамида жамоат транспортида йўл ҳақини тўлаш, офисда эшикни очиш, товар ва хизматлар ҳақини тўлаш имкониятини берадиган NFC технологияси бизга янада кўпроқ имконият ва қулайлик яратади. Аввало, NFC технологияси ҳақида Википедиядан маълумот бериб ўтаман.

Near Field Communication, NFC («Қисқа масофали алоқа») – кичик радиусли юқори частотали симсиз алоқа технологияси бўлиб, 10 см атрофидаги масофада жойлашган ускуналар орасида маълумот алмашиш имконини беради. Бу технология смарт-карталар ва маълумот ўқувчи ускуналар интерфейсини ўзида мужассамлаштирган контактсиз карталар (ISO 14443) стандарти учун энг оддий ечим ҳисобланади. NFC ускунаси ҳозирги кунда фойдаланилаётган смарт-карталар билан биргаликда бошқа NFC ускуналари билан алоқа қила олгани учун жамоат транспортларида тўлов мақсадида ишлатилаётган смарт-карталар мавжуд инфраструктурасига мос келади. NFC асосан мобил телефонларда фойдаланиш учун яратилган.<sup>1</sup>

### **Фойдаланиш соҳалари**

NFC технологияси ҳозирда асосан мобил телефонларда фойдаланиш учун мўлжалланмоқда. Асосан учта фойдаланиш соҳалари мавжуд:

- Карта эмуляцияси: NFC ускунаси ҳақиқий контактсиз карта ўрнини босади

---

<sup>1</sup> Манба: Интернет сайти. [http://ru.wikipedia.org/wiki/Near\\_Field\\_Communication](http://ru.wikipedia.org/wiki/Near_Field_Communication)

- Ўқиш режими: NFC ускунаси актив ҳисобланади ва пассив RFID белгиларини ўқийди. Интерактив рекламаларни бунга мисол қилиш мумкин.

- P2P режими: иккита NFC ускунаси бир бири билан боғланади ва ўзаро маълумот алмашади.

Ундан ташқари қуйидагилар каби фойдаланиш соҳалари ҳам мавжуд:

- Жамоат транспортида мобил харид қилиш учун – мавжуд контакtsiz инфраструктуранинг кенгайтирилиши

- Мобил тўловлар – ускуна тўлов картаси сифатида қўлланилади

- Электрон доска – мобил телефони кўчалардаги эълонлардаги RFID белгиларни ўқийди ва ўша заҳоти маълумот олади.

- Bluetooth ларни бир бирига боғлаш – Bluetooth 2.1 ва NFC билан қуролланган ускуналарни бир бирига боғлаш учун уларни бир бирига яқинлаштириш кифоя қилади.

Келажакда яна қуйидаги мақсадларда фойдаланилиши мумкин:

- Чипталарни электрон услубда сотиб олиш (авиабилет, концерт ва ҳоказолар билетлари)

- Электрон пуллар

- Сайёҳлар учун карталар

- Шахсни тасдиқловчи ҳужжат

- Мобил савдо

- Электрон калит – машина калити, уй/офис калити, меҳмонхона хоналари калити, в.х.з

- Bluetooth, Wi-Fi ёки Ultra-wideband каби симsiz алоқаларни активлаштириш ва конфигурация қилиш

- NFC патентларини лицензиялаштириш дастурида ишлатиш

Махсус чипга ўзидан 15 см узоқликда жойлашган бошқа чип билан маълумот алмашиш имконини берадиган NFC технологияси нима? Оддийроқ қилиб тушунтирганда, NFC ёрдамида харидлар амалга оширилиши мумкин,

метро ва бошқа транспортларга йўл ҳақини тўлаши мумкин ёки машина турар жойига ҳақ тўлаш мумкин.



**3.1.4-расм. Мобил телефонга ўрнатилган nfc тизими орқали тўлов мисоли.<sup>1</sup>**

NFC 10 йиллар давомида ривожланиб келаётган очик платформа ҳисобланади. NFC технологиясини ҳамма телефонларга тадбиқ этиш учун албатта ҳаммада NFC технологиялик телефон бўлиши шарт эмас. Ҳар қандай телефонга NFC функцияли чип ўрнатиш мумкин. Бу худди ҳозир деярли барча телефонда мавжуд бўлган MicroSD картага ўхшаш технология бўлади. Банклар ва бошқа молиявий ташкилотлар молиявий операцияларнинг иложи борица соддалаштирилиши тарафдори бўлганлари учун бу технологияни жуда яхши кутиб олишди. Келажакда оддий пластик карталарни ўзида NFC чип мужассамлаштирган смартфонларга алмаштирилиши эҳтимоли мавжуд. Худди шунингдек, автомобилсозлик соҳасида ҳам контактсиз автомашинани юргизиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Ҳозирги кундаёқ дунёнинг кўп мамлакатларида NFC технологиялар бўйича йўл ҳақи тўлаш йўлга қўйилганлиги туфайли йўл ҳақиға пул тўлаш мобайнида юзага келадиган навбатлар йўқ бўлишига эришилмоқда.

<sup>1</sup> Инфоком веб журнали. <http://infocom.uz/2012/12/18/nfc-kommunikaciya-blizhnego-polya/>

### **3.2. Инновацион банк технологияларидан фойдалинишни кучайтириш йўллари**

Мамлакатимиз банк тизими ривожланишида долзарб масалалардан бири бўлмиш замонавий банк технологияларини такомиллаштириш ва янгича усуллар орқали миждозларни жалб қилиш энг муҳим масалалардан бирига айланган.

Кўпчилик тижорат банкларининг олдида турган вазифа эркин рақобат шароитида ўз миждозлари сонини ошириш ва хизматлари сифатини намоён қилиш ва тезкорликни таъминлаш саналади. Ушбу барча натижаларга албатта, янгича замонавий ахборот технологияларини қўллаш орқали эришиш мумкин.

Йигирманчи асрнинг бошларида Американинг машҳур фирмаларидан бири биринчи кредит карточкасини чиқарган эди. Орадан ўтган йиллар мобайнида у такомиллашиб, бугунги кўринишга етиб келди. Ҳозирда ер шари аҳолисининг катта бир қисми пластик карточкалардан фойдаланмоқда. Ҳозирги кунда махсус пластик карточкага эга бўлган шахс ҳар қандай мамлакатда ҳисоб-китоб қилиши ва унга нақд пул олиши мумкин. Шу тариқа у ихчам, қулай тўлов воситасига айланди.

Бугунги кунда дунё миқёсида ахборот технологияларининг изчил тараққий этаётгани аҳоли турмушини тобора енгиллаштираётир. Айниқса, электрон ахборот узатиш тизимининг шаклланиши натижасида ҳисоб-китоблар соҳасида фуқаролар учун қўшимча имкониятлар юзага келди.

Мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларида, жумладан, банк-молия муассасаларида ҳам электрон ахборот узатишни қўллаш изчил оммалашиб бораётир. Электрон тижорат, электрон имзо, электрон тўлов бугун ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Бу тизим, аввало, аҳолининг нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишида анча қўл келмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, юртимиз миқёсида олиб қарайдиган бўлсак, электрон тўлов тизимининг яқин йилларда жорий қилинганига қарамасдан бу соҳада кўпгина ишлар амалга оширилди. Миллий ва халқаро валютадаги пластик карточкалар муомалага чиқарилмоқда. Пул муомаласини такомиллаштириш борасида олиб бораётган бундай чора-тадбирлар аҳолига қатор қулайликлар яратмоқда. Масалан, жойлардаги савдо-сервис тармоқлари – дўкон, супермаркет, автомобилга ёнилғи қуйиш шохобчаларига харидларни амалга ошириш, транспортдан фойдаланиш ҳамда иш ҳақи ҳисобидан кредит олиш имкониятлари мавжуд. Бундан ташқари, “Электрон ҳамён” эгалари чакана савдо, хизмат кўрсатиш тизими ва коммунал хизматлар ҳақини ортиқча оворагарчиликсиз, тез ва осон тўлаш, банк ёки кассаларга вақти-вақти билан бориш талаб қилинмайдиган, узоқ муддат давом этадиган топшириқларни бошқаришдек усуллардан фойдаланмоқда. Бу ҳолат Ўзбекистонда ҳам электрон тўлов тизимининг ривожланиб бораётганининг исботидир.

Банк пластик карталари нақадар қулай бўлмасин, лекин бунда ҳам ўзига яраша қачиликлари мавжуд. Жумладан, бир вақтнинг ўзида бир одамгина фойдалана олиши, пин кодни йўқотиб қўйиш мумкинлиги ва ҳоказо.

Ушбу илмий тақиқот ишида банкларимизда нақд пулсиз ҳисоб китобга оид янги замонавий ахборот технологияларини қўллаган ҳолда янги лойиҳа таклиф этиш ўринли деб топилди.

Тасаввур қилинг, сиз ҳеч қанақа тўлов воситаларисиз, яъни нақд пул ёки банк пластик карталарисиз фақат биометрик бармоқ изларингиз ёрдамида тўлов амалга ошира олсангиз. Бир қарашта фантастик туйилган бу ҳолат ҳозирги даврга келиб оддийгина тўлов операцияларига айланди.

***Асосий хусусиятлари:***

- Тўлов воситаларидан фойдаланишга эҳтиёж қолдирмайди: унутиб қолдирилиши мумкин бўлган нақд пул ва карточкаларга зарурият йўқ;
- Тўлов вақтини тезлаштириш: тўловчининг шахсини аниқлаш ва тўлов учун 3-5 сония сарф бўлади;

- Содиқлик дастурларида автоматик тарзда иштирок этиш: маркетларнинг содиқлик карточкаларини кўтариб юриш шарт бўлмайди;
- Юқори даражадаги хавфсизлик: бармоқ изини ҳеч ким қалбакилаштиролмайди;
- Махсус сайтдаги шахсий кабинетда харажатларни бошқариш имконияти.

### **Бу қандай ишлайди**

Маҳсулот ёки хизматга пул тўлаш вақтида харидор биометрик сканнерга бармоғини қўяди ва регистрация вақтида танлаган усули бўйича тўловни амалга оширади. Шу билан айна пайтда, сотувчининг лояллик дастури ишга тушади. Бу жамғарилиб бориладиган чегирмалар, бонус баллари, шахсий таклифлар, туғилган кун учун чегирмалар кабилар бўлиши мумкин.

Касса терминали дисплейида якуний сумма кўринади, тизим автоматик тарзда ўша суммани мижоз ҳисобидан ечиб олади ва мобил телефонига смс юборади.




### **3.2.1-расм. Биометрик тўлов макети.**

#### **Хавфсизлик.**

Харидорлар учун бармоқ изларидан фойдаланиш жуда хавфсиз ҳисобланади, чунки маълумотлар базасида бармоқ излари эмас, уларнинг

математик ифодаси сақланади, бу кодлардан қайтариб бармоқ изларини яратиш имкони йўқ.



### 3.2.2-расм. Бармоқ изларининг шифрлиниши макети.

Дастур ҳар бир миқдор учун ҳавфсизлик даражасини индивидуал тарзда бошқариш имконини беради. Агар миқдор истаса 10 та бармоқни ҳаммасини бирданига ишлатиши мумкин, бундан ташқари бармоқларнинг сканнердан ўтказилиши тартибини ҳам алоҳида белгилаш мумкин.

Белгиланган суммагача 1 бармоқ, ундан ошган суммага кўпроқ бармоқ ишлатиш алгоритминини ҳам танлаш имконияти бор.

Бундан ташқари, ҳар бир савдо марказида ҳар хил бармоқдан фойдаланиш ёки қайси вақт учун қайси бармоқдан фойдаланиш созуламаларини амалга ошириш мумкин.

“Ёрдам бармоғи” ни рўйхатдан ўтказиб, ҳаётига таҳдид билан амалга оширилаётган тўловларда операцияни тўхтатиш ва энг яқин ҳуқуқни ҳимоя қилиш органига ёрдам чақириғи юбориш имконияти ҳам мавжуд.

#### *Ҳаридорлар учун фойдали тарафлари:*

- Махсус кодларни ёдлаб юришга, нақд пул ва карточкани унутмай доим олиб юришга эҳтиёж қолмайди;
- Тўлов муддатини тезлаштириш, навбатни кам бўлиши;

- Чегирма карталари ва содиқлик карталарини барчаси бир бармоққа боғланади;
- Жамғариб бориладиган чегирмалар учун индивидуал дастур мавжудлиги;
- Тўлов операцияларининг ҳавфсизлиги ва тўловларнинг махсус сайтда бошқарилиб борилиши;

### ***Маҳсулот ва хизматлар сотувчиларига фойдаси.***

- Доимий мижозлар билан нақд пулсиз ҳисоб-китоблар;
- Харидорларга хизмат қилиш вақтининг тежалиши. Шахсни аниқлаштириш ва тўловни амалга ошириш учун 3-5 сония сарф этилади;
- Кредит карталари орқали амалга оширилган харидларга нисбатан қўшимча ҳаражатларнинг камлиги;
- Қулайлик кенгайтирилиши ва индивидуал содиқлик дастурлари орқали мижозлар кўпайишига эришиш;
- Касса операцияларини амалга оширувчи ходимларни биометрик тарзда текшириб бориш имконияти;
- Бошқарувга боғлиқ бўлмаган ҳолда бармоқ излари билан ходимларнинг иш вақтини бошқара олиш имконияти.

Албатта таклиф этилаётган лойиҳа мукаммал тузилган деб бўлмайди, бироқ бугунга қадар худди шу лойиҳанинг ўзи сингари тизим хориж мамлакатлар амалиётида кенг қўлланилмоқда.

### **3-боб бўйича хулоса**

Хулоса ўрнида диссертациянинг сўнгги бобида келтирилган фикрларни умумлаштирган ҳолатда бугунги кунга келиб мамлакатимиз банк тизимида масофавий банк хизматларидан фойдаланишда хориж тажрибасини қўллаш аҳамияти юқори эканини қайд этиш лозим.

Жахоннинг тараққий этган мамлакатлари, жумладан, АҚШ, Буюк Британия, Швеция, Швейцария, Белгия давлатлари банк тизимида

қўлланилаётган замонавий технологиялардан Интернет-банкнинг турлича кўринишлари ва шакллари амал қилиши самараси ўлароқ мижозларни кўпроқ жалб қилиш хусусиятларини намуна сифатида кузатишимиз мумкин. Бизнинг мамлакатимиз тижорат банклари томонидан таклиф этилаётган турлича масофавий банк хизматлари эса, эндиликда янада такомиллаштирилган ҳолда ишлаши ва кўпроқ мижозларни жалб қилишда қўлланилиши жуда муҳим.

Дарҳақиқат, боб сўнггида таклиф этилган янги лойиҳа ҳам жуда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Бевосита тадқиқот якуний натижалари муаммоларни ҳал қилиш юзасидан берилган ушбу таклиф ажаб эмас келгусида амалиётга тадбиқ этилса.

## ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни эътироф этиш жоизки, мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоғи бўлмиш банк тизимимиз бугунги кун замон талабига жавоб бериши учун ўз фаолиятида замонавий технологияларни қўллаши биринчи даражали долзарб масала ҳисобланади. Шундай замонавий технологиялар асосида масофавий банк хизматлари, хусусан Интернет-банкнинг хизматининг фаол жорий этилиши энг муҳим масала эканлиги шубҳасиз.

Хўжалик юритувчи субъектлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан электрон тижорат ва электрон тўловлар имкониятларидан оқилона фойдаланилганлиги туфайли тижорат ишида ҳамкорларни топиш, шартномаларни тузиш, ташқи бозорга тезкор чиқишда кенг имкониятлар яратилиб, ушбу имкониятлар уларнинг рақобатбардошлигини оширишда асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ўз навбатида, бундай ҳолат миллий иқтисодиётимизнинг барқарорлигини таъминламоқда.

Диссертация ишининг барча бобларида бирдай ушбу хизмат турининг ўзига хос хусусиятлари ва ютуқ ҳамда камчиликлари, юзага келган муаммолар ўз ечимини кутмоқда. Хусусан тадқиқот натижасида қуйидаги муаммоли хулосаларга келинди:

1. Мамлакатимиз тижорат банклари томонидан қўлланилаётган Интернет-банкнинг хизмат турининг ишлаш механизми ва имкониятлари ҳақида миқозларда етарлича маълумотга эга эмаслиги;

2. Банк муассасалари ишчи ходимларининг ушбу хизмат турига нисбатан атрофлича фикрларининг шаклланиб улгурмаганлиги, барча банк ходимларининг ҳам бу хизмат туридан фойдаланишни меъёрида билмаслиги;

3. Жуда кўпчилик тижорат банкларимиз томонидан таклиф этилаётганига қарамасдан хизмат турига нисбатан қизиқишнинг ортиши жуда суст эканлиги;

4. Масофавий банк хизматларидан фойдаланишда давлат томонидан мустаҳкамланган аниқ қонун ёки меъёрий ҳужжатларнинг етишмаслиги;

5. Интернет-банкнинг хизмат тури билан ишловчи мутахассисларга эҳтиёжнинг кўплиги ва миллий дастурлаштириш ишлари намуналарининг етишмаслиги;

6. Интернет-банкнинг тизимида таклиф этилаётган хизматларнинг камлиги ва банк ички бухгалтерияси билан боғлиқ яхлит тизим ишлаш жараёнининг етишмаслиги;

7. Жисмоний шахслар билан ушбу тизимда ишлаш амалиётининг яхши ривожланмаганлиги ва онлайн хизматларнинг муддати кечроқ амалга ошиши;

8. Кредитлар олиш ва депозит қўйилмаларини онлайн тизимида қўйиш амалиётининг етишмаслиги сингари масалалар муҳим аҳамият касб этади.

Юқорида келтирилган хулосалар атрофлича ўрганилиб чиқилгач, тадқиқотнинг якуний натижаси ўлароқ қуйидаги таклифларни бериш ўринли деб топилди:

1. Мижозларга Интернет-банкнинг хизмат турини яхшироқ таништириш мақсадида, банкка ташриф буюрган ҳар бир мижозга ушбу хизматни таклиф этиш ва махсус видео роликлар яратган ҳолда банк муассасаларининг тегишли кутиш залларида қўйиб кўрсатиш, интернет сайти орқали оммага янада кенгроқ таништириш лозим.

2. Банк хизматчиларининг барчасини Интернет-банкнинг хизмати бўйича қўшимча малакасини ошириш ва ишлаш тизимини мукаммал ўрганишлари мақсадида қўшимча ҳафтада бир марталик ўқитиш ишларини олиб бориш ва мижозларни тизимга жалб қилиш малакаларини ўргатиш;

3. Банк мижозларини кўпроқ жалб қилиш ва қизиқишни орттириш мақсадида 3 бобда таклиф этилган интеграциялашган янги сайт порталини яратиш ва ишга тушириш;

4. Масофавий банк хизматлари юзасидан аниқ шарт шароитларни инобатга олган янги меъёрий ҳуқуқий ҳужжатнинг яратилиши;

5. Янги банк хизматлари билан ишлашда малакали ахборот технологиялари ва банк хизматларини бирдай яхши тушунадиган кадрларни тайёрлаш мақсадида таянч олий ўқув юртлари бўлмиш Тошкент Молия институти ва Тошкент Давлат Иқтисодиёт университетларидаги “Банк иши” йўналишларидаги кадрларни тайёрлашда олий ўқув юртидан бошлаб дастурлар билан ишлаш малакаларини ошириш мақсадида бевосита асосий фанлар қаторида масофавий банк хизматлари билан ишлаш қўшимча амалий дарсларини ташкил этиш;

6. Интернет-банкнинг хизматида таклиф этилаётган хизматлар сонини кўпайтириш ва тизимни банк бухгалтерияси билан интеграциялашган ҳолатда ишлашини таъминловчи шароит яратиш;

7. Тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган Интернет-банкнинг хизмати фаолиятида жисмоний шахсларга кўпроқ эътибор қаратиш ҳамда уларга янгича қулайликлар яратиш, бевосита интернет сайтидан туриб рўйхатдан ўтиш ҳамда хизматни ишга тушириш имконини яратиш, онлайн хизматларнинг муддати ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида тўловларни текшириш қисмини янада соддалаштириш ҳамда ишчилар ўртасида ҳужжатлар билан ишлаш вақтини тўғри тақсимлаш;

8. Банкларимиз фаолиятида онлайн кредитлар ва омонатлар бўйича операцияларни бошлаш ва юритиш имконини берувчи шароитни яратиш ва банк тегишли ижрочи ва раҳбар ходимлари учун ҳақиқий имзога тенглаштирилган электрон имзо кўринишидаги шаклни жорий этиш ва қатъий белгилаш;

9. Тижорат банклари ишончли мижозлари учун бевосита экспорт ва импорт операцияларини амалга оширишда Интернет-банкнинг хизмати орқали ишлаш имконини яратиш;

10. Жисмоний жиҳатдан офисга эга бўлмаган янгича Виртуал банкларни фаолиятини йўлга қўйиш ва шу орқали Интернет-банкнинг хизматлари бозорида ўзига хос янгича рақобат муҳитини яратиш каби

таклифларни амалиётда аста секинлик билан қўллаш мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик.

Умумий хулоса ўрнида шуни алоҳида қайд этиш лозимки, диссертация ичида тадқиқ этилган барча масалалар банк тизими амалиёти учун келажакда жуда муҳим аҳамият касб этиши равшан ҳодиса. Шундай экан эндиликда айнан масофавий банк хизматлари ва хусусан Интернет-банкинг хизмати банклар фаолиятининг келажagini ташкил этувчи тизимлар сифатида катта саҳнага чиққанда ушбу юқорида берилган таклифларнинг нақадар амалиётга мос келишини кузатишимиз мумкин бўлади.

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2003.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги қонуни. 1995 йил 21 декабр.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни 1996 йил 25-апрел;
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” Қонун 11 декабр 2003 йил 560-II-сон;
5. Ўзбекистон Республикасининг “Банк сирини тўғрисида” ги Қонуни 2003 йил 30-август, 530- II-сон.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги Қонуни N 562-II 2003 йил 11 декабр;
7. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисида”ги Қонуни N 613-II 2004 йил 29 апрел;
8. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тўловлар тўғрисида” Қонун 2005 йил 2 ноябр;
9. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида” Қонуни 611-II-сон 2004 йил 29 апрел;
10. Ўзбекистон Республикасининг “Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида” Қонун 2006 йил 4 апрел ЎРҚ-30-сон;

### **II. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки меъёрий ҳужжатлари**

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарори “2011-2015 йилларда республика банк тизимини

- янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришиш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси”;
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 19 апрелдаги ПҚ-1325-сонли Қарори "Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”
  13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2004 йил 24 сентябрдаги 445-сон қарори.
  14. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг “Ўзбекистон Республикаси банклари ўртасида электрон тўловлар тизими бўйича ҳисоб-китоблар юритиш тўғрисида” Низоми 2001 йил 8 февралдаги 485-сонли;
  15. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг "Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида"ги Низоми №2465, 03.06.2013й.;
  16. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг "Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари автоматлаштирилган банк тизимларида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Низоми №1552, 13.03.2006й.;
  17. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг "Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларида ишлаш тартиби тўғрисида"ги Низоми №2155, 19.11.2010й.;
  18. «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларини қўллаган ҳолда тўлов тизимини ташкил қилиш қоидалари тўғрисида» қарори №1767, 13.02.2008й.;

### **III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари**

19. Каримов И.А. “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”. – Т.: Ўзбекистон, 2010. 57-58-б.
20. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” / И.А.Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
21. Каримов И.А. “Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида”. Т.: Ўзбекистон. 2011. 528 б.
22. Каримов И.А. “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир”. Т.: “Ўзбекистон” Нашриёт матбаа ижодий уйи, 2005.
23. Каримов И.А. “Эришилган ютуқларни мустаҳамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим”. «Халқ сўзи» газетаси, 2006 йил 11 феврал.
24. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси, “Ўзбекистон”. 2014. 64б.

### **III. Асосий адабиётлар**

25. Банковское дело: учебник / О.И.Лаврушин, И.Д. Мамонова, Н.И. Валенцова (и др.) – 6-е изд., стер. –М.: КНОРУС, 2008. -768 с. 2 экз
26. Юдин В.В. Перспективы дистанционного банковского обслуживания физических лиц. // Банковские услуги. 2006. №2 - с. 19.
27. Коробов Ю.И., Канофьев А.В. Развитие информационных технологий и их влияние на банковскую деятельность. // Банковские услуги. – 2003. – №5. - с. 12-15.

28. Висящев А. Вытеснит ли Интернет–банкинг филиальные сети?//Банковское дело в Москве. №8. 2006
29. Волчик А. Интернет–банкинг: тотальность и мгновенность//Банковское дело в Москве. №8. 2006
30. Гуманков К. Виртуальный банк – у кого лучше?//Финанс. №2. 2007
31. Крахмалев С.В. Современная банковская практика проведения международных платежей. М.: ГроссМедиа: РОСБУХ, 2008
32. Рудакова О.С. Банковские электронные услуги. М.: Вузовский учебник, 2009.
33. Абдуллаев Ё.А., Қоралиев Т.М., ва бошқалар “Банк иши”. Ўқув қўлланма - Б.М.: Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2009. - 576 б.

#### **V. Қўшимча адабиётлар**

34. Арт Я., Паперная И. Банкиры на дистанции // BusinessWeek Россия. - 2006. - № 68. – С. 48.
35. Афонина С.В. Электронные деньги: - СПб.: Питер, 2004.
36. Балабанов А.И., Боровкина В. Банки и банковское дело: учебник. 2-е изд. – СПб, Нитер, 2007. -448 с.
37. Банки и небанковские кредитные организации и их операции: для юристов и экономистов / под ред. С.Симоновича. – СПб.: Питер, 2007. - 688 с.
38. Банковские информационные системы: Учебник / под ред. проф. В.В.Дика. М.: Маркет ДС, 2006. -816 с.
39. Божко М. Сбербанк в кармане // Секрет фирмы. - № 7(142). – С. 12.
40. Болецкая К. Докликаться до банка // SmartMoney. – 2006. - № 24. – С. 22.
41. Болецкая К. Интернет–банкинг как часть розничного бизнеса // Банковское обозрение. – 2004. - № 10(64). – С. 22.

42. Ермаков, Юденков, Тысячникова: Интернет-технологии в банковском бизнесе: перспективы и риски: учебно-практическое пособие – 2010, 320с.

## **VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва хисоботлар**

43. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, сентябрь, 2011 йил;
44. Мартиросян К. Онлайн-банкинг: возможности и перспективы развития // Банковские технологии. – 2006. – № 1. – С. 44.
45. Мартынова Т. Аргументы в пользу дистанционного банкинга // Банковское обозрение. – 2006. - № 4. – С. 14.
46. Мартынова Т. Не надо удаляться от клиента // Банковское обозрение. – 2006. - № 3. – С. 15.
47. Мирошников Д. Виртуальный допофис в 16 раз дешевле, или Расчет экономической эффективности систем ДБО // Банки и технологии. – 2004. - № 4. – С.17.
48. Муллажонов Ф.М. Пул-кредит соҳасидаги мавжуд вазият ва монетар сиёсатининг 2008 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари. // “Бозор, пул ва кредит”, 2008. №1.
49. Букин М. Российские виртуальные банки // PCWeek/RE. – 2007. – 17 февр. - №03. - С. 14.
50. Вахитов Я.Р. Банковские технологии: Что мешает развитию Интернет-банкинга // Финансовые известия. – 2004. – 23 июня. – №. 6 - С. 15.
51. Комарова Н., Губарева Л. Удаленное обслуживание: «де факто» и «де юре» // Банковское обозрение. – 2005. - №8 (74). – С. 32.
52. Корнеев М. Что умеют банковские call-центры // Банковские технологии. – 2006. - № 4(124). – С. 33.
53. Коротков А.М., Ермошкин Н.Н. Ритейловый банк будущего // Банковский ритейл. – 2006. - № 2(02). – С. 132.

### Илмий журналлардаги мақолалар:

54. Тангишов М.Р., доц. Элов Д.А. Молиявий иқтисодий инқироз шароитида Ўзбекистонда тижорат банклари фаолияти ва ривожланиш босқичлари // Тошкент «ЎЗМУ» 2010 й. 13-15 бетлар.
55. Тангишов М.Р., Сатторов Ш.М. Финансовые затраты разработки новой банковской услуги // Тошкент «ТМИ» 2010 й. 74-75 бетлар;
56. Тангишов М.Р., доц. Искандарова М. Банк-молия соҳасида замонавий банк хизматларини кенгайтириш имкониятлари // Тошкент-Урганч “Ўзбекистон Республикаси ОЛИМА хотин қизлар уюшмаси” 2012 й. 217-219 бетлар;
57. Тангишов М.Р. Тижорат банкларимиз инвестицион фаоллигини оширишда масофавий банк хизматларининг аҳамияти // Тошкент “ТДИУ” 2012 й. II ТОМ, 125-127 бетлар.
58. Тангишов М.Р., проф. Қоралиев Т.М. Интернет-банкнинг Республикамиз банк амалиётида қўлланилишининг долзарблиги // Тошкент «ТМИ» 2012 й. 57-59 бетлар.
59. Тангишов М.Р., доц. Элов Д.А. Масофавий банк хизматларининг республикамиз банк амалиётидаги ўрни // Тошкент “Иқтисод ва молия” журнали №7 сон 66-70 бетлар 2012.
60. Уббиев А.Т., “Замонавий технологиялар банк бизнесини ривожлантирмоқда” // “Ўзбекистон Республикасида кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттиришда молия тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари”га бағишланган магистрантларнинг илмий амалий конференцияси материаллари тўплами, Тошкент-2013, 314-316 бетлар.
61. Уббиев А.Т., “Электрон тижорат тўғрисидаги норматив ҳуқуқий базанинг такомиллашуви.” // “Банк молия тизимини янада ривожлантириш орқали инвестицион фаолликни кенгайтиришнинг истиқболи йўналишлари”га бағишланган магистрантларнинг XIV

анъанавий илмий амалий конференцияси материаллари тўплами,  
Тошкент-2014, 218-бет

## **VII. Интернет сайтлари:**

62. <http://www.cbu.uz> (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки);
63. <http://www.gov.uz> (Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат портали);
64. <http://www.mf.uz> (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги);
65. <http://www.lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси);
66. [http:// www.worldbank.org](http://www.worldbank.org) (Жахон банки);
67. <http:// www.bank24.ru> (Россия Банк24.ру банки);
68. <http:// www.nbu.com> (ТИФ Миллий банки);
69. <http://www.asakabank.com> (ДАТ Асакабанк);
70. <http://www.uzpsb.uz> (ОАТБ Ўзсаноатқурилишбанк);
71. <http:// www.hamkorbank.uz> (ОАТБ Ҳамкорбанк);
72. <http:// www.alokabank.uz> (ОАТБ Алоқабанк);
73. <http:// www.ipakyulibank.com> (ОАИТБ Ипак йўли банк);
74. <http:// www.bankir.ru> (Россия банк тизими ҳақида маълумот сайти);
75. <http:// www.rbc.ru> (РосБизнесКонсалтинг сайти);
76. <http:// www.banking.com> (Молиявий хизматлар бўйича маълумот сайти);
77. <http://www.uzdaily.uz> (Ўзбекистон кунлик расмий хабарлар сайти);
78. <http://www.internetworldstats.com> (Интернетдан фойдаланувчилар сони статистик маълумотларини кўрсатувчи сайт);
79. <http://www.itu.int> (The World in 2014: ICT Facts and Figures. International Telecommunication Union)
80. <http://el.tfi.uz> (Тошкент Молия институти электрон кутубхонаси)